

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ЖАҲОН СИЁСАТИ ВА ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: Покистон ва АҚШ муносабатлари ривожланиши
тарихи**

5120300 – Хорижий мамлакатлар тарихи

Бажарди: “Хорижий мамлакатлар
тарихи” таълим йўналиши
битирувчи курс талабаси
Матмуратов Иззатбек Курамбаевич

Илмий раҳбар: “Хорижий
мамлакатлар тарихи” кафедраси
катта ўқитувчиси, с.ф.н.
Н.А.Абдуллаев _____

ТОШКЕНТ-2013

Битирув малакавий иш ҳимояга тавсия этилди:

“Жаҳон сиёсати ва тарих”
факультети декани
с.ф.н., доц. И.Н. Бекмуратов

_____ 2013 йил

“Хорижий мамлакатлар тарихи”
кафедраси мудир
т.ф.н., доц. Ю.А. Исмаилова

_____ 2013 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
I.БОБ. ПОКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ПИР-АҚШ МУНОСАБАТЛАРИ ШАҚЛЛАНИШИ ТАРИХИ	12
I.1. Покистон Вашингтоннинг геосиёсий манфаатлари доирасида	12
I.2. Покистон ва АҚШнинг мамлакатни сиёсий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ҳамкорлиги	18
I.3. Вашингтон ва Москва ғоявий қарама-қаршилиги даврида АҚШ ва Покистон муносабатлари таҳлили	24
II.БОБ. ПИР-АҚШ МУНОСАБАТЛАРИ ВАШИНГТОННИНГ МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН АЛОҚАЛАРИ НИГОҲИДА	33
II.1. Покистон-АҚШ муносабатларида Кашмир можароси омили	33
II.2. Вашингтоннинг Жанубий Осиёда ядро қуролини тарқатмаслик сиёсати доирасида Покистонга нисбатан муносабати.....	38
II.3. Покистон ва АҚШ ўртасидаги аксилтеррористик ҳамкорликнинг геосиёсий ва ҳарбий-сиёсий жиҳатлари	42
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	49
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	52

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги: Ўзбекистоннинг Жанубий Осиё давлатлари билан муносабатларида ушбу минтақадаги етакчи мамлакатлардан бири деб эътироф этиладиган Покистон Ислом Республикаси билан сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестицион ва маданий соҳалардаги алоқалар алоҳида ўрин тутади. Мустақилликдан кейин ўтган давр мобайнида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланиб бормоқда. Бу ўз навбатида, Покистоннинг бошқа давлатлар, хусусан, дунёнинг етакчи давлатлари билан муносабатларини тарихий нигоҳда ўрганиш ва улар асосида Ўзбекистон-Покистон алоқаларининг бугунги кун ва истиқболлари борасида керакли хулосалар қилишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида ва яна бир қатор Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти муносабатларига бағишланган асарларида улкан назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган масалаларни кўтариб чиқди. Юртбошимиз уларда ҳозирги даврнинг энг муҳим муаммоларини чуқур таҳлил этган. Жумладан, 2010 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Малакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш – устувор мақсадимиз” мавзусидаги маърузасида ҳам минтақа хавфсизлиги Афғонистонда тинчлик ўрнатиш билан узвий боғлиқлигини алоҳида таҳлил этиб бердилар¹. Бу назарий хулосалар исботини кундалик ҳаётнинг ўзи ҳам кўрсатмоқда. Бинобарин, дунёда хавфсизликни сақлаш ҳамда тараққиётни таъминлаш муаммоси ҳамон долзарб бўлиб турибди². Марказий Осиёда хавфсизликнинг барқарор тизимини вужудга келтириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий вектори бўлган бўлса, хорижлик ҳамкорлар билан бу

¹ Каримов И. “Малакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш – устувор мақсадимиз” Ишонч газетаси, №12 28.01.2010

² Қудратхўжаев Ш., А.Қирғизбоев. НАТО: кеча ва бугун. Тошкент. 2003 й. 3-бет.

борадаги алоқаларни мустақкамлаш ташқи сиёсий фаолиятимизнинг мантиқий давомига айланди.

Мустақилликка эришган ва бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган янги жамиятни бунёд этишга киришган давлатлар дастлабки йилларда ўз хавфсизлиги ва барқарорлиги йўлида мавжуд хавф-хатар ва таҳдидга жиддий муносабатда бўлмадилар. Президентимиз И.Каримов қайд этганидек, “бу таҳдидларни олдиндан кўра билишга ҳамма вақт ҳам муваффақ бўлавермадилар. Ҳолбуки, хавф-хатар кўпинча кутилмаганда юзага чиқмоқда ва катта қурбонлар, кулфатларга сабаб бўлмоқда. Энг фожиалиси – бегуноҳ одамлар қурбон бўлмоқда³”. Шу ўринда хавфсизликка таҳдид солувчи янги, мисли кўрилмаган хавфлар ҳам пайдо бўлаётганлигини айтиш ўринли. Айниқса, уюшган жиноятчилик, жаҳон терроризми қўлида ахборот хавфли қуролга айланмоқда. Шундай бир таҳликали даврда хавсизликни таъминлаш борасида давлатлар ўртасида турли ҳарбий-сиёсий ташкилотлар ва кенгашлар тузилиб, илгариги икки кутбли “совуқ уруш”, кўп кутбли шаклда позицион кураш асносида бугунги кун сиёсатида ўз аксини топмоқда.

“Совуқ уруш” даврида юзага келган хавф нафақат инсонларнинг тинқасини қуритди, балки социалистик ёки капиталистик формация асосида пайдо бўлган кутблар ўртасида ривожланаётган давлатларнинг сарсон бўлиши, ташқи сиёсатда бир томонламалик тамойилига амал қилишга мажбур этди. Бундай ҳолатни Жанубий Осиё мамлакатларининг энг янги тарихи даврида ҳам яққол кузатиш мумкин. Битирув мамлакавий иши сифатида танлаганимиз “Покистон ва АҚШ муносабатлари ривожланиш тарихи”ни таҳлилий ўрганиш масаласи Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда сўнгги вақтда энг катта таъсирга эга бўлган давлатларнинг ўзаро алоқалари ҳамда унинг Ўзбекистон учун доимий аҳамият касб этиши нуқтаи назаридан жуда долзарбдир. Албатта, бунда

³ Каримов И. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари”. Т., “Ўзбекистон”, 1997, 5-бет.

“афғон можароси”нинг қарийиб 35 йилдан бери давом этиши, тинчлик ўрнатиш ҳаракатларининг зое кетиши, 2014 йилдан Афғонистондан АҚШ тинчликпарвар кучларининг олиб чиқиб кетилиши ҳақидаги баёнот муаммонинг кескинлигини таъминлайдиган омиллардир. Ўзбекистон учун Афғонистонда барқарорлик таъминланиши катта аҳамиятга эга. Бугунги кунда ушбу барқарорлик нисбатан ПИР ва АҚШ ташқи сиёсий фаолиятига боғлиқ. Шунинг учун мавзу долзарбдир. Шу ўринда “афғон можаро”сини ҳал этиш йўлида ҳукуматимизнинг олиб бораётган сайъ-ҳаракатларини алоҳида тилга олиш зарур. Хусусан, 1999 йил 19-20 июль кунлари Тошкентда БМТ ҳомийлигида Афғонистон бўйича “6+2” гуруҳининг учрашуви ташкил этилиб, гуруҳга аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари даражасидаги делегациялар ҳамда БМТ Бош қотибининг Афғонистон бўйича махсус вакили Лаҳдар Браҳимий иштирокида “Афғонистондаги можарони ҳал этишнинг асосий тамойиллари тўғрисида Тошкент декларацияси” имзолангани алоҳида аҳамиятга эга.

2008 йил апрель ойида Бухарестда ўтказилган НАТО/СЕАП саммитида Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган ташаббуслар ўта муҳим бўлиб, юртбошимиз томонидан НАТО “6+2” гуруҳини янги фаолиятда “6+3” шаклида қайта тузиш таклифи илгари сурилди. “6+3” мулоқот гуруҳининг энг муҳим мақсади – бир-бирига қарши курашаётган томонларга Афғонистонда ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш дастурини таклиф этиш, мамлакатни пароканда қилаётган асосий муаммо ва зиддиятлар бўйича ўзаро муроаса асосидаги ечимларни топиш, хавфсизликни таъминлаш ҳамда барча томонларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда зарур қафолатларни беришдан иборат эканлиги таъкидланди⁴.

Марказий Осиёдаги тинчлик ва хавфсизлик муаммоларини ҳал этишда минтақа атрофидаги давлатлар билан ҳамкорлик масаласи Ўзбекистон учун алоҳида аҳамиятга эга. Афғон муаммосининг ҳал этилмаётганлиги минтақа

⁴ Выступление Президента Республики Узбекистан И. Каримова на саммите НАТО/СЕАП // <http://www-xs.uz>.

тинчилиги ва хавфсизлигига асосий таҳдид ҳисобланади. Президентимиз муаммо хусусида, “Афғонистондаги вазиятнинг барқарорлашуви учун кўшни Покистоннинг раҳбарияти, ҳукумати билан ҳамкорликда чегара муаммоларини, биринчи навбатда Вазиристон ҳудудидаги муаммоларни ҳал қилиш муҳим аҳамиятга эга⁵” - деб бежизга таъкидламаган эди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Покистон ва АҚШ муҳим стратегик аҳамиятга эга давлатлар сирасига киради. Ушбу давлат раҳбарлари билан мунтазам равишда давлатлараро музокаралар ўтказилиб келинмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбари 2010 11 июнь куни Кўксаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент Саммитида кузатувчи сифатида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Покистон президенти Асиф Али Зардорийлар билан учрашиб, афғон можаросига доир масалаларни ҳам муҳокама қилиб, қуйидагиларни қайд этилган: “Покистон Ўзбекистонга ишончли ҳамкор, минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутувчи мамлакат сифатида қарайди. Икки мамлакат минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келади. Ўзбекистон ва Покистон Афғонистоннинг яқин кўшнилари сифатида бу мамлакатда тинчлик ўрнатилиши ва барқарорлик таъминланишидан ғоят манфаатдордир. Мамлакатларимизнинг минтақавий ва халқаро хавфсизликка таҳдидларни бартараф этиш билан боғлиқ масалаларга ёндашувлари ўхшашдир. Бу Ўзбекистон билан Покистон ўртасида тўғридан-тўғри транспорт тармоқларини барпо этиш, иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш учун имкон яратади.”

Битирув малакавий ишнинг мақсад ва вазифалари: Покистон ва АҚШ муносабатларининг ривожланиши тарихини ёритиш битирув малакавий ишимизнинг бош мақсадидир. Буни амалга оширишда қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

⁵ Ўша манба.

- Исломобод ва Вашингтоннинг Покистонни сиёсий-иқтисодий ривожлантириш йўлидаги ҳамкорлигини ёритиш;
- Вашингтон ва Москва ғоявий қарама-қаршилиги даврида Покистон ва АҚШ муносабатлари шаклланиши таҳлили;
- Покистон -АҚШ муносабатларида Кашмир можароси омилини ўрганиш;
- Вашингтоннинг Жанубий Осиё минтақасида ядро қуролини тарқатмаслик сиёсати доирасида АҚШнинг Покистон ядро дастурига муносабатини кўрсатиб бериш;
- Покистон ва АҚШ ўртасидаги аксилтеррористик ҳамкорликнинг геосиёсий ва ҳарбий-сиёсий жиҳатларини ёритиб бериш.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси: Покистон тарихи чет эллик ва ўзбекистонлик тадқиқотчилар, урдушунос-тарихчи олимлар томонидан кенг ўрганилиб келинмоқда. Т.Ғ. Ғиёсов, И.Н.Васькин, А.А.Йўлдошев, Б.Обидов⁶ ва бошқаларнинг ушбу мавзуда амалга оширган ишлари анча салмоқлидир. Уларнинг асарларида Покистоннинг АҚШ билан муносабатлари тўғрисида фикрлар билдирилган. Россиялик олимлар орасида Ю.В.Ганковский, В.Я.Белокреницкий, В.Н.Москаленко⁷ каби олимларнинг ишлари диққатга сазавор. Уларда АҚШ-ПИР муносабатлари ўрнатилиши тарихи, Покистон ташқи сиёсати, мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг ўзгариши, Жанубий Осиё минтақасида диний экстримизм ва терроризм муаммолари⁸ таҳлилий ўрганилган. Шундай илмий ишлардан бири Р. Мукимджанованинг “Политика США в Пакистане⁹” асаридир. Бироқ, бу монографияда 1947 йилда мустақилликка эришган Покистоннинг АҚШ билан 1960 йилга қадар муно-

⁶ Васькин И.Н. Очерки по истории Пакистана (1947-1997 гг.) Т., 1997, С.308.; Ғиёсов Т.Ғ. Концептуальные проблемы новой и новейшей истории зарубежного востока. – Т., 2008. С.124.

⁷ Белокреницкий В.Я., Москаленко В.Н. История Пакистана. XX век. М., 2008; Москаленко В.Н. Внешняя политика Пакистана. М., 1984; Белокреницкий В.Я., Москаленко В.Н. Пакистан. М., 1981.

⁸ Белокреницкий В.Я., Москаленко В.Н., Шаумян Т.Л. Южная Азия в мировой политике. М., 2003; Москаленко В.Н. Пакистан и ШОС // Сайт Института Ближнего Востока. 2006; Белокреницкий В.Я., Москаленко В.Н. Мусульманский регион у южных границ СНГ: структура, значение, перспективы // Мусульманские страны у границ СНГ. Сб. статей. М., 2002. С. 5-23..

⁹ Мукимджанова Р.М. Политика США в Пакистане. М., 1961; Мукимджанова Р.М. Пакистан, Южная Азия и политика США (60-е – начало 70-х гг.). М., 1974.

сабатлари тарихи таҳлил этилган. АҚШ ва ПИР ҳамкорлиги, ядро қуроли яратиш масалалари, Покистонда ички сиёсий ривожланишни таъминлаш масалаларини ўрганган олимлар¹⁰ С.Н.Кузнецов, В.Сотников, О.Плешов, В.Н.Скосырев, М.Ю.Морозова, П.Н.Топычканов ҳамда И.В.Жмуйда тадқиқотларида асосий эътибор Покистон иқтисодий тараққиёти масалаларини ёритишга бағишланган¹¹.

ПИР-АҚШ муносабатларида Афғонистон масаласи Т.Л.Шаумян, С.И.Лунев, Ф.Юрлов ва М.Р.Аруноваларнинг¹² тадқиқотларида кенг ёритилган. Мавзуга дахлдор бир қанча диссертацияларни ҳам алоҳида санаб ўтиш ўринлидир. Жумладан, А.В.Алексеевнинг “Пакистан в политике США в Юго-Западной Азии в 80-е годы¹³” номли диссертациясида ПИР-АҚШ муносабатлари тарихига доир муҳим маълумотлар таҳлил этилган. АҚШ ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик қирралари Р.Ю.Скоробогатова, Ю.Д.Яковлевларнинг диссертацияларида таҳлил этилган. Минтақадаги ҳавфсизлик ва ислом омили каби масалалар А.А.Шилин, И.В.Кондрацко, М.И.Парменов, Н.А.Русеевларнинг¹⁴

¹⁰ Кузнецов С.Н. Геополитическое положение Пакистана и региональная среда // Ближний Восток и современность. Сб. статей. М., 2006. Вып. 29. С. 151-162; Плешов О.Н. Талибанизация Пакистана – угроза реальная или мнимая? // Мусульманские страны у границ СНГ. М., 2002. С. 148-157; Плешов О.Н. Традиционное общество и политическая культура в Исламской Республике Пакистан // Ислам на современном Востоке. Сб. статей. М., 2004. С. 153-156; Топычканов П.В. Ядерная сделка Индии и США: взгляд из Пакистана // Сайт Института Ближнего Востока. 2006.; Морозова М. Ю. Трансафганский газопровод: причины и перспективы реанимации проекта // Сайт Института Ближнего Востока. 2008., Морозова М.Ю. Пакистан: вооруженные силы и военная политика // Азия и Африка сегодня. 1997. № 8. С.16-21; Сотников В.И. «Исламская» бомба Пакистана и ее актуальность в связи с угрозами международных террористов // Ислам на современном Востоке. Сб. статей. М., 2004. С. 322-336; Скосырев В.Л. НАТО стреляет по Пакистану // Независимая газета. 2008. 18 июля. С.14.

¹¹ Жмуйда И.В. Промышленная политика в Пакистане в 90-е годы и период правления Первеза Мушаррафа // Афганистан, Иран, Пакистан: время выборов и перемен. Сб. статей. М., 2006. С. 170–180; Жмуйда И.В. Пакистан во Всемирной торговой организации // Современный исламский Восток и страны Запада. Сб. статей. М., 2004. С. 154-167; Жмуйда И.В. Иностраный частный капитал в Пакистане // Афганистан, Иран, Пакистан: время выборов и перемен. Сб. статей. М., 2006. С. 72-85.

¹² Арунова М.Р. Афганская политика США в 1945-1999 г. М., 2000; Лунев С.И. Дипломатия в Южной Азии. М., 1993; Лунев С.И., Шахматов А.В. Индия: Политическое развитие и внешняя политика. М., 2006; Юрлов Ф.Н. Индия. Время коалиций // Азия и Африка сегодня. 2000. № 3. С. 18-25; Юрлов Ф.Н. США и Индия: нелегкий путь к партнерству // Азия и Африка сегодня. 2002. № 2. С. 16-23.; Ключев Б, Шаумян Т. Ядерный джинн вырывается на волю // Азия и Африка сегодня. 1998. № 12. С. 11-21; Лунев С.И. Дипломатия в Южной Азии. М., 1993.

¹³ Алексеев А. В. Пакистан в политике США в Юго-Западной Азии в 80-е годы: автореф. дис. ... канд. ист. наук. М., 1994.

¹⁴ Кондрацкий И.В. Проблема нераспространения ядерного оружия в Южной Азии: Политологические аспекты: дис. ... канд. полит. наук. М., 2002; Парменов М.И. Индия и проблема региональной безопасности

диссертацияларида кенг ўрганилган. БМИ мавзусига доир ишлар Ғарб олимлари томонидан ҳам кенг амалга оширилган. Хусусан, Т.Торнтон ва Д.Смит¹⁵ асарлари бу борада муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, 1994-2001 йилларда АҚШ давлат котиби лавозимида ишлаган С.Тэлботнинг¹⁶ тадқиқотлари ҳам ишимизни бойитишга хизмат қилди. Қолаверса, Р.Хаас, М.Хаккаби, С.Раделет, Р.Бёрнс, Дж.Блэнк, З.Бжезинский ва Г.Киссинджерларнинг¹⁷ асарлари ҳам алоҳида диққатга эга.

АҚШ-ПИР муносабатлари тарихи покистонлик олимлар, сиёсий-таҳлилчилар томонидан ҳам ўрганишга ҳаракат қилинган. Хусусан, собиқ Покистон ташқи ишлар вазири Абдул Саттарнинг монографиясида¹⁸ Вашингтон ва Исломобод ҳамкорлиги чуқур таҳлил этилган. ПИР-АҚШ ташқи сиёсатидаги тафовутлар М.Шахид, П.Хусейн, С.Махмуд¹⁹ монографияларида ўрганилганлигини айтиб ўтишимиз мумкин. А.Азиз, К.Шаджкар-Баджпая, А.Рашид, А.Малик ҳамда С.Гангули тадқиқотларида²⁰ Кашмир муаммоси ва ПИР ташқи сиёсатидаги устувор йўналишлар ўрганилган.

Битирув малакавий ишнинг объекти ва предмети: Тадқиқот ишимизнинг объектини “Совуқ уруш” давридан то бугунги кунгача бўлган

в Южной Азии в конце XX – начале XXI века: дис. ... канд. полит. наук. М., 2004; Русеев Н.Н. Исламский фактор в политике Пакистана во второй половине XX в.: автореф. дис. ... канд. ист. наук. М., 2009; Скоробогатов Р.Ю. Экономические связи США со странами Южной Азии в конце XX – начале XXI вв.: дис. ... канд. экон. наук. СПб., 2003; Шилин А.А. Эскалация вооружений в Южной Азии: этапы и направления развития военно-промышленного потенциала Индии и Пакистана: дис. ... канд. ист. наук. М., 2002; Яковлев Ю.Д. Особенности экономического развития Пакистана и внешнеполитические связи Пакистана в 90-е гг.: автореф. дис. ... канд. экон. наук. М., 1998.

¹⁵ Thornton T.P. The New Phase in U.S. - Pakistani relations // *Foreign Affairs*. 1989. Vol. 69. № 5. P. 142-160; Smith D. After the withdrawal // *The New York Times*. 1989. 20 Feb. P. A1-A2;

¹⁶ Talbot S. Dealing with the Bomb in South Asia // *Foreign Affairs*. 1999. Vol. 78. № 2. P. 110-124.

¹⁷ Бжезинский Зб. Великая шахматная доска (господство Америки и его геостратегические императивы). М., 1998; Бжезинский Зб. Выбор: мировое господство или глобальное лидерство. М., 2007; Киссинджер Г. Нужна ли Америке внешняя политика. М., 2002; Киссинджер Г. Дипломатия. М., 1997.

¹⁸ Sattar A. Pakistan's foreign policy. 1947 – 2005. A concise history. Karachi, 2007.

¹⁹ Copley G. R., Hussain P. A. Pakistan: a global strategic lynchpin. Alexandria, 2008; Shahid M.A. Pakistan's foreign policy: a reappraisal. Karachi, 2000; Mahmood S. Pakistan. Political roots and development. 1947 – 1999. Karachi, 2000.

²⁰ Barnett R. R., Rashid A. Ending Chaos in Afghanistan and Pakistan // *Foreign Affairs*. 2008. Vol.87. №6. P. 41-56; Aziz A. Renewal of US military assistance // *The Dawn*. 2002. Oct. 12. P. 8-9; Malik A. Negroponte Meets Gillani: Pakistan to Expand Strategic Ties with USA // *Pakistan Times*. 2008. March 27. P.3; Ganguly Sumit. The origins of war in South Asia: the Indo-Pakistani conflicts since 1947. Boulder, 1994; Ganguly Sumit. Pakistans never ending story // *Foreign Affairs*. 2000. Vol.79. № 2. P. 2-8; Shashkar Bajpai K. Untangling India and Pakistan // *Foreign Affairs*. 2003. Vol.82. №3. P. 112 -128.

АҚШ ва Покистон муносабатлари ташкил этиб, унинг предмети шу давр ичида бўлиб ўтган муҳим тарихий-воқеа ҳодисалар ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти: Битирув малакавий ишимизнинг янгилигини мавзунинг алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилганлиги белгиласа, ундан мавзуга қизиқувчи урдушунос талаба-ёшлар мустақил ишлари, ўқитувчиларимиз эса маъруза матнлари тайёрлашда фойдаланишлари мумкин. Чунки, маълумотлар тарих китоблари, таниқли олимларнинг монографиялари, хулосалари асосида иқтибослар орқали изоҳланган.

Битирув малакавий ишининг тузилиши: Битирув малакавий иши кириш қисми, асосий қисм, 2 боб, 6 та параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I. I. БОБ. ПОКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ПИР-АҚШ МУНОСАБАТЛАРИ ШАКЛЛАНИШИ ТАҲЛИЛИ

I.1. Покистон Вашингтоннинг геосиёсий манфаатлари доирасида

Покистон Ислом Республикасининг Жанубий Осиё минтақасида жойлашган ўрни муҳим геосиёсий аҳамиятга эгадир. Чунки, бу давлат Осиёнинг бир қанча субрегионлари билан туташ эканлиги ҳамда жаҳон сиёсатида етарлича мавқега эга бўлган Ҳиндистон, Афғонистон, Хитой ва Эрон каби давлатлар билан чегарадош эканлиги билан бу ҳолатни изоҳлаш мумкин. Айниқса, Покистон Афғонистон учун қайсидир маънода “калит” ҳисобланиб, унинг Ҳиндистон билан ҳудудий муаммолари мавжудлиги ва унга доимий иттифоқдош мамлакат зарурати ҳам АҚШнинг Покистон ташқи сиёсатидаги ролини кучайтиради.

“Совуқ уруш” даврида (1946-1990) Совет иттифоқига қарши ҳаракатларни амалга ошириш учун ҳам АҚШ Покистон билан мустаҳкам алоқалар олиб боришга интилди. “Совуқ уруш” Покистон мавқейининг халқаро ҳамжамятда ошишига, бу давлатга кўпроқ инвестициялар кириб келишига сабаб бўлди (иқтисодий алоқаларда рақамлар келтирилган). АҚШ ва унинг иттифоқчилари Покистонга молиявий иқтисодий ёрдам кўрсатиб келиб, натижада ушбу давлат ҳарбий-сиёсий томондан Америка сиёсатига муте вазиятга тушиб қолди. АҚШ доираларининг Покистон билан алоқаларни мустаҳкамлаши ўз манфаатларининг минтақада геосиёсий таъсирини ошириш туфайли бўлиб, бу омил етакчи ўринда туради. АҚШ ҳукуматининг бу давлатга нисбатан қизиқишларида иқтисодий омил унчалик катта миқдорни ташкил этмас эди. Покистон хавфсизлигини таъминлаш

ва ҳудудда ўзи учун таянч давлат сифатида назорат этиш мақсадида АҚШ ҳукумати ушбу мамлакатнинг ички ишларига фаол таъсир кўрсатиб борди. Энг аввало афғон можароси Покистон ички сиёсатидаги барқарорликнинг таъминланишига асосий тўсик бўлиб келди²¹. Расмий Вашингтон айнан ПИР ёрдами орқали Афғонистонда ўзи режалаштирган кўплаб ҳарбий-сиёсий лойиҳаларни амалга оширишга муваффақ бўлди. Ушбу лойиҳаларнинг муҳимлилик даражаси турлича бўлиб, икки томонлама ҳамкорлик учун кифоя қиларди. Аммо, ПИР ва АҚШ ҳукуматларининг Афғонистон масаласидаги қизиқишлари бир-бирига мос келмади. Чунки, бу тафовут Исломобод ва Вашингтоннинг ислом динига ва мусулмонларга нисбатан турлича муносабатда бўлиши орқали ифодаланади. Америка Қўшма Штатларининг Покистонда ядро қуролига бўлган интилишга нисбатан сиёсати бошланишида унга бундай қудрат берилишига қаршилик кўрсатиш билан ифодаланди. Жанубий Осиё минтақасини оммавий қирғин қуролидан сақлаш, доимий ҳудудий низога эга бўлган Ҳиндистон ва Покистоннинг ядро қуроли эга бўлиши орқали Яқин Шарққа ушбу қуролга эга бўлишда ёрдам берилиши хавфи АҚШни айниқса, кескин чўчитарди. Ҳақиқатан, АҚШ Жанубий Осиё минтақаси давлатларининг ҳарбий имкониятлари ошишидан манфаатдор эмасди. АҚШ Покистоннинг ядровий қуроли имкониятини камайтириш ва Ҳиндистон ва Хитой каби қудратли давлатлар билан муносабатларида оммавий қирғин қуролидан фойдаланмаслигини таъминлашга интилди.

Сўнги йилларда халқаро муносабатларда юзага келган беқарорлик кўпчилик кузатувчи мутахассисларни хавотирга солмоқда. Сабаби, Яқин Шарқ минтақасидаги вазият Эрон, Покистон ва Афғонистон орқали Ҳиндистонни ҳам ўз домига тортган ҳолда Марказий Осиёгача таъсир кўрсата бошлади. Албатта, ушбу беқарор вазиятнинг эпицентрида учта мамлакат Афғонистон, Эрон ва Покистон жойлашган бўлиб, 2001 йил 11 сентябрда АҚШда содир бўлган воқеалар унинг бу ҳудудларга дипломатик қадам-

²¹ В.Н. Москаленко. Внешняя политика Пакистана. М., 1984. с. 30

ларсиз ҳам аралашувига олиб келди, масалага ядро куроли каби оммавий киргинбарот воситанинг кўшилиши, уни ҳадсиз жиддийлаштирмоқда. Шунинг учун Жанубий Осиё минтақасида деярли барча йирик давлатларнинг манфаатлари тўқнаш келиши билан бирга, диний, мафкуравий карашларнинг хилма-хиллиги туфайли ҳам вазият янада мураккаблашмоқда.

Покистон ва АҚШ муносабатларида иқтисодий омил бир томонлама карамликни ифодалайди. Икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқалар Покистоннинг ички муаммолари ва барқарорликнинг таъминланмагани ҳисобига узоқ йиллар юқори кўрсаткични ташкил этмади. Иқтисодий соҳадаги алоқалар ҳаддан ташқари сиёсий-ҳарбий соҳадаги муносабатларга боғлиқ характерга эга. Кашмир можароси туфайли, Покистон ҳам мустақиллигининг дастлабки йилларидан ўзига мустаҳкам таянч қидирди ва доимий “Ҳиндистон таҳдиди” уни АҚШ билан стратегик шерикчилик қилишга мажбур қилди. Шу тариқа, Покистоннинг ташқи иттифоқчиси АҚШ ва минтақадаги шериги Хитой бўлиб қолди. Афғонистон ва Покистон ўртасидаги тоғли ҳудуддаги чегараларда икки томонда ҳам пуштун миллати эгаллаганлиги, Покистоннинг Афғонистонга “қулай йўл” бўлишида АҚШ ҳукуматига қўл келди. Покистон ҳукумати Яқин Шарқ минтақаси давлатлари Саудия Арабистони, БАА каби давлатлар билан мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйиш йўлидан борди. Сабаби, мамлакат конституциясида “биродар мусулмон давлатлари” билан алоқалар ўрнатиш ташқи сиёсатнинг асоси бўлиши лозим²²”-дейилган.

“Совуқ уруш” давридан кейин АҚШнинг ташқи сиёсати ва жаҳон геосиёсатидаги мавқеи ошиши туфайли, унинг қизиққишлари дунёнинг барча минтақаларида асосий ўринга чиқди. Вашингтоннинг геосиёсий манфаатларини 4 тага ажратиш мумкин. Булар²³: дунёда сиёсий етакчиликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, мамлакатнинг хавфсизлигини таъминлаш;

²² The Constitution of the Islamic Republic of Pakistan: as amended up to date. P.12

²³ Политика США в меняющемся мире / отв.ред.: Подлесный П.Т. М.: Наука, 2004. -С. 101

иктисодий манфаатларни ҳимоялаш ва узайтириш, мафкуравий ҳимояланиш каби йўналишлар. Бунда Покистоннинг АҚШ ташқи сиёсатидаги аҳамияти, дунёда сиёсий лидерлик ва геосиёсий манфаатларни таъминлаш режасига мувофиқ келади. АҚШ Покистон орқали Осиёдаги Хитой ва Ҳиндистон каби қудратли давлатлар ўртасида кучлар тақсимотини таъминлайди. XX асрнинг 80-йилларида АҚШ минтақада ХХРнинг таъсири камайиши ҳисобига Ҳиндистон билан муносабатларни яхшилашга интилди. Осиёдаги таъсирини мустаҳкамлаш учун АҚШ Исломободнинг қулай транзит ҳолатидан фойдаланиб келмоқда. XX аср охирига келиб, Осиёда энергия ресурсларининг янги маконлари топилиб, энергияни назорат қилишнинг янги маршрутлари қизиқишларни ўзига жалб этди. Вашингтоннинг Покистон билан сиёсий муносабатларидаги муҳим йўналиш унинг хавфсизлиги нуқтаи назаридан эди. Бу масалада Вашингтоннинг бир қанча мақсадлари намоён бўлади. Хусусан, таҳдидларни камайитириш ва барҳам бериш, террористик ташкилотларга қарши курашиш, ядро қуролларни тарқатишни назорат қилиш, Ҳиндистон-Покистон муносабатларидаги тангликни кучайтирмаслик, Афғонистондаги нарқобизнесга қарши курашиш кабилар. Бундан ташқари, геосиёсий мавқеини мустаҳкамлашни ҳам унутмаслик лозим. АҚШлик стратегларнинг қарашлари турлича эканлигига қарамай, Америка Қўшма Штатларининг глобал миқёсда етакчи ўринда эканлиги ҳақидаги ягона умумий концепция мавжуд. Унинг мақсади – АҚШнинг дунё етакчиси сифатидаги мавқеини мустаҳкамлаш, АҚШ манфаатларини ўзи учун энг фойдали шарт-шароитларда илгари суриш, АҚШнинг етакчилик қилаётган, устун мавқеига зиён етказилмайдиган қилиб дунё таракқиётининг боришини белгилаш ва ноқулай шароитларнинг олдини олишга имкон берадиган тарзда ташкил қилишдир.

Бироқ айрим инглиз халқаро муносабатлар мутахассислари орасида, биринчидан, АҚШ “илгари сураётган” демократия моделига қарши эътирозлар билдирилмоқда, иккинчидан эса, уларнинг фикрича, АҚШнинг глобал

стратегиясида геосиёсат эмас, балки геоиқтисод етакчилик қилаётгани борган сари аниқ бўлиб бормоқда, яъни Вашингтоннинг бутун стратегияси АҚШ компанияларининг жаҳон бозорларидаги мавқеини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга бўйсундирилган. Бизнинг назаримизда, С. Смитнинг “АҚШнинг демократияни илгари суриш сиёсати, сиёсат ва ижтимоий-иқтисодиёт алоҳида мавжуд деган хомхаёлга асосланади ҳамда ушбу хомхаёлни байналминаллаштириш учун юзага келаётган глобал тизимда АҚШ гегемониясига куч бағишлайди²⁴”, деган сўзлари тўғри. Геосиёсий манфаатлар АҚШнинг Марказий ва Жанубий Осиё, Кавказдаги энг муҳим мақсадларига киради.

Ж. Най АҚШнинг етакчиликка бўлган даъвосини асослаб, қуйидагиларни таъкидлайди: “АҚШ Осиё ва Тинч океани минтақасида етакчилик қилишга маҳкум. Бизнинг миллий манфаатларимиз унинг ҳам муаммоларини ҳал этишни талаб қилади... Хавфсизликни сақлаб қолиш ва равнақ топиш учун кейинги 20 йил давомида АҚШ аввалгидек тинчликни сақлаш, иттифоқчилик мажбуриятлари ва дўстликка асосланиб, Осиё ишларида фаол иштирок этиши керак. Биз айнан шундай қилиш ниятидамиз²⁵”.

Ҳозирги кунда дунёдаги барча мамлакатлар халқаро ҳамжамият билан муносабатларни ривожлантириш, халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти бўлишга ҳаракат қилиб келмоқда. Шу жумладан, Покистон Ислом Республикаси ҳам минтақада ҳамда халқаро миқёсда фаол ташқи сиёсат олиб боришга интилаётган давлатлардан бири ҳисобланади. 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейин, Жанубий ва Марказий Осиё минтақасида янги геосиёсий вазиятнинг юзага келиши Покистон ташқи сиёсатининг ўзгаришига олиб келди. Ушбу вазиятдан келиб чиқиб расмий Исломобод минтақавий ва ички барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш мақсадида кўп томонлама сиёсат олиб боришга асосий эътибор қаратди.

²⁴ Южная Азия: конфликты и компромиссы / отв. ред. Ванина Е.Ю, Куценков А.А. М.: Ин-т востоковедения РАН: Центр инд. исслед, 2004.-357 с.

²⁵ Ўша жойда.

Бугунги кунда Покистон Ислон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва антитеррористик ҳаракатларда фаол иштирок этиш бўлиб, бу борада дунёнинг етакчи давлатлари ҳамда бир қатор минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жумладан, Покистон 2004 йил ноябрь ойида Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ассоциациясининг хавфсизлик масалалари бўйича минтақавий форумига аъзо бўлиб, хавфсизликка бўлган трансмиллий ва ноанъанавий таҳдидларга қарши кураш бўйича стратегия қабул қилиш ҳақидаги ташаббус билан чиқди ҳамда терроризм ва унинг барча кўринишлари, трансмиллий жиноятчилик, ноқонуний миграция, қурол савдоси, гиёҳвандлик моддаларининг ғайри қонуний савдоси бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирди. Шунингдек, Покистон 2005 йилдан Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)нинг кузатувчиси сифатида минтақавий ва даражада хавфсизликни таъминлаш ҳамда сепаратизм, экстремизм, терроризмга қарши кураш бўйича ҳамкорлик қилиб келмоқда.

I.2. Покистон ва АҚШнинг мамлакатни сиёсий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ҳамкорлиги

Глобаллашув жараёни дунёнинг бир нуқтасида пайдо бўлган хавфга унинг бошқа нуқталарида акс реакцияни вужудга келтиради. Бугун ривожланиш даражаси паст мусулмон давлатларидаги фаровон Ғарб давлатларига қарши фундаменталистик, миллатчилик ва радикал кайфият эртага террористик ташкилотлар, диний секталар ва янги диний мафкуралар кўринишида бой мусулмон давлатлари тинчлигига ҳам таҳдид солади. Шундай экан, глобаллашувнинг аҳоли энг паст қатламларига зарба беришини ҳисобга олиб, ислом дунёсининг моддий ва мафкуравий қашшоқ қатламларига ислом бирдамлиги остида ёрдам бериш зарур. Бундай фаолият ислом халқаро ташкилотлари шаъфелиги остида бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бу мақсадлар йўлида биринчи қадамларни ҳам кўриш мумкин. Масалан, Ислом тараққиёт банкининг ўзи яқин 20 йил ичида ИХТга аъзо давлатларга 35 миллиард долларлик фоизсиз кредитлар берди.

Бугунги кунда ИХТга дунё аҳолисининг қарийб 1,5 миллиардини ташкил қилган 57 та аъзо давлатлар кирган. Бундан ташқари ислом дунёсида Ғарб халқаро ташкилотлари амалиётига таяниб тузилган, Халқаро қизил яримой Ислом комиссияси ташкилоти, Ислом тараққиёт банки, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилоти (ИСЕСКО), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ислом комиссияси каби ташкилотлар мавжуд. Етакчи ислом давлатлари альянсини ташкил этиш мақсадида 1996 йилда Туркия бош вазирини Нежмиддин Эрбакан томонидан “ислом саккизлиги” (Туркия, Эрон, Покистон, Малайзия, Бангладеш, Саудия Арабистони, Индонезия, Миср) давлатлари гуруҳини ташкил этиш ғояси берилган²⁶. Лекин Покистон иқти-

²⁶ Игнатенко А. Ислам и политика: Сборник статей. –М.: Институт религии и политики, 2004. –Б.53.

содиёти ўзининг беқарорлиги билан ушбу ном талабига жавоб бераолмайди. Шунинг учун, АҚШнинг Покистон ички сиёсати ва иқтисодиётига катта таъсир этиб келганлиги кузатилади. Мустақиллигининг дастлабки йилларида Покистон янги давлат сифатида йирик иқтисодий муаммоларга дуч келдики, унинг ҳукумати ҳарбий-сиёсий муаммолар туфайли ҳам иқтисодиётда “донор давлат”га эҳтиёж сезди. Покистон ҳукумати бу борада Британиядан ёрдам олишни мақсад қилди. Аммо, иккинчи даҳон урушидан инглизлар катта талофат билан чиқиб, янги давлат кутган ёрдамни беришга қодир эмасди. Европада ҳам Покистонга молиявий ёрдам беришга ҳайрихоҳ давлат ўша пайтда топилмади. Натижада, Америка Исломобод учун “донорлик” қилишни бошлади. З.А. Бхутто (1971-1977) ҳукумати йилларида мамлакатда миллийлаштириш ва иқтисодиётни тиклаш дастури амалга оширилди. Лекин, бу ҳаракатлар АҚШ ҳукуматининг “донорлиги”га ҳалақит берарди. Шунинг учун Покистонда ҳарбийлар қўллаб-қувватланди.

1980-1990 йилларда Покистонда иккита тенденция кузатилди. Биринчиси, мамлакатда сиёсат ҳаётни либерализациялаш тенденцияси. Ушбу ҳаракат Зиё-ул Ҳақнинг авиаҳалокатидан кейин айниқса кучайди. Иккинчиси, Покистон исломчиларининг ғарбчилар ва америкапарастларга қарши ҳаракатлари тенденцияси. 1988 йилда биринчи маротаба АҚШ Покистонда эркин парламент сайловлари бўлиб ўтишини қўллаб-қувватлади ва натижада 10 йил давомида Беназир Бхутто бош вазирлик лаозимини эгаллади. Вашингтон бундан мамлакатда барқарорлик тикланиши мумкинлигини тахмин қилди. Покистонда исломчилар мавқеи ошиши билан АҚШ исломчиларни Ғарб хавфсизлигига нисбатан катта таҳдид, деб эълон қилди. Покистонда радикал исломчиларнинг ҳаракати АҚШ фуқаролари фаолиятига қарамақарши ва иккинчи томондан Ҳиндистон Покистон муносабатларини кескин ёмонлашувига олиб келади. Бу иккила сабаб ҳам АҚШ сиёсатига тўғри келмасди. Шунинг учун, АҚШ Исломободнинг исломчиларга ортиқча ҳуқуқлар беришини қоралаб, “терроризм ҳомийси

бўлган давлатлар рўйхатига уни киритди²⁷. Натижада, янги аср бошидан Вашингтон ПИРда ҳарбийларни қўллаб-қувватлашни бошлади. АҚШ Парвез Мушарраф ҳукуматини терроризмга қарши кураш даврида “қаттиқ қўл”лик қилишга қодир ҳукумат деб атади.

1994 йилдан бошлаб Покистон ва АҚШ ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик яхши томонга ўзгарди ва бу албатта, Б.Бхутто ҳукуматининг эришган ютуғи туфайли эди. 1994-1995 йилда мамлакатлар ўртасида йирик лойиҳалар амалга оширилди²⁸. Лойиҳалар нефт-газ конларини кидириб топиш ва ўзлаштириш, электроэнергия, транспорт соҳаларида амалга оширилди. Вашингтон-Исломобод ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликка 1998 йилда Покистонда ядро қуроли синовини ўтказиши катта зарба берди. АҚШ ПИР билан амалга оширилаётган лойиҳалар, у ерда фаолият юритаётган компаниялар ишини тўхтатиб қўйди. АҚШ Покистонга молиявий ёрдам бериб келаётган халқаро ташкилотга мурожаат этиб, молиявий ёрдам беришни ҳам тўхтатишга чақирди. Натижада, халқаро ташкилотлар қарзларни талаб қила бошлади. Мамлакатда қашшоқлик даражаси ошиб, 32%га етди²⁹.

1998 йил июлда АҚШ Конгресси Ҳиндистон ва Покистонга нисбатан санкция қўллаб, АҚШ президентига бир йилгача ҳарбий-техник ёрдам бермаслик ҳуқуқини беришди. 2001 йилда Покистоннинг антитеррор қаолициясига кириши, икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг қайта тикланишига сабаб бўлди. 2001-2007 йилларда АҚШ ПИРга 10 млрд доллар миқдорида молиявий ёрдам берди. Иқтисоддаги кемтикларни бартараф этиш учун ушбу маблағнинг 15%и сарфланди. 2005-2009 йилларда Вашингтон Покистон иқтисоди ривожини учун ҳар йили 300 млн, шундан бюджетни қоплаш учун 200 млн, иқтисодий дастурлар учун 100 млн доллар

²⁷ Богатуров А.Д. Стратегия перемалывания в международных отношениях и внешней политике США // Внешняя политика и безопасность современной России. 1991-2002.-М.: РОССПЕН, 2003.-Т. 3. С. 215

²⁸ Скоробогатов Р.Ю. Экономические связи США со странами Южной Азии в конце XX начале XXI вв.: дис. . канд. экон. наук. - СПб.,2003.- 182 с.

²⁹ Ўша жойда.

маблағ ажратди³⁰. 2004 йилда АҚШ ва Покистон ҳукумат расмийлари Исломободнинг 495,3 млн қарзини кечиш учун битим имзолашди. 2008 йилда Афғонистон ва Покистон чегара районлари ҳудудида махсус индустриал зона қуриш ҳақида қонун қабул қилинган. Бу зона АҚШ товарларига хусусан, кийим-кечак, текстил каби махсулотларни божсиз олиб кириш имкониятини берди. 2004 йилда икки мамлакат ўртасида инвестицияларни ҳимоя қилиш битими муҳокама этилди, аммо муҳокама охирига етмай қолди. Сабаби, Покистон текстилига Вашингтон қўйган чеклов музокара-ларнинг тугашига олиб келган. XXI аср бошида Покистондаги АҚШ корпорациялари ўзларининг мавқеини мустаҳкамлади. Лекин, Покистонда фаолият кўрсатиш, бу ерда катта таваккалчилик қилиш лозимлигини кўрсатди. Покистоннинг 21% экспорти АҚШга жўнатилди. Покистон импортининг 13,8%ни Хитой товарлари ташкил этди. Покистон иқтисодиётида ташқи молиявий ёрдам алоҳида ўрин тутди.

Кейинги йилларда Покистон ҳукумати қўшни давлатлар билан ҳамкорликни кучайтириш эвазига иқтисодий мустақилликни таъминлашга интилмоқда. Шунинг учун, Афғонистон, Эрон ва Марказий Осиё давлатлари билан яхши қўшничилик ҳамда ўзаро қулай муносабатларни мустаҳкамлаш ҳаракатлари бошлаб юборилди. Жумладан, толибларга қарши кураш олиб бориш масаласида ва бошқа бир қатор муаммоларни ҳал қилишда турлича қарашларнинг вужудга келишига қарамасдан, Покистон Афғонистон билан дўстона муносабатларни сақлаб қолишга интилмоқда. Покистон 2004-2006 йиллар ичида Торхам-Жалолобод-Қобул йўлининг қурилиши ва коммуникация, соғлиқни сақлаш, таълим соҳаларида бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш учун 250 млн доллар маблағ ажратган³¹. 2006 йилда Қобул ва Исломобод расмийлари ҳаво қатнови сонини ошириш, чегарадош шаҳарлар

³⁰ Ўша жойда.

³¹ Замараева Н.А. Кризис региональной стратегии США на примере Пакистана // Сайт Института Ближнего Востока. 2008. URL: <http://www.iimes.ru/rus/stat/2008/23-01-08.htm> (дата обращения: 09.02.2010)

ўртасида темир йўллари қуриш, қўшма саноат ҳудудларини ташкил этишга келишиб олганлар. Ушбу давлатларнинг ўзаро товар айланмаси 2008 йилда 1,3 млрд. доллар, 2009 йилда 1,4 млрд. доллар, 2010 йилда эса 1,5 млрд. доллар миқдорида ўсиб борганлигини кўриш мумкин. Покистон савдо вазири Махдум Амин Фахимнинг таъкидлашича, Афғонистонга импорт маҳсулотларининг 34% бевосита Покистон орқали олиб кирилади. Шунингдек, Покистон Афғонистоннинг умумий экспорт ҳажмида 2009 йилда 17,4 %ни, 2010 йилда 20 %дан ортиқни, импорт ҳажмида 2009 йилда 26,8 %ни³², 2010 йилда 28 %дан ортиқни ташкил этган. Шунингдек, Покистон Афғонистонга асосан тиббиёт ускуналари, тўқимачилик (пахта толаси, ип-газлама, тайёр маҳсулотлар) ва озиқ-овқат маҳсулотлари (ун, гуруч, балик)ни экспорт қилса, қурилган мева, жун, пахта, мўйна ва тери, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар, афғон гилами каби маҳсулотларни импорт қилади. 2010 йил октябрда имзоланган “Афғонистон-Покистон савдо-транзит келишуви тўғрисида”ги шартномага биноан йиғирилган ип ва синтетик штапель матолар, электр жиҳозлари, синтетик ипак толаси, механик асбоб-ускуналар, қоғоз ва картонлар, ҳайвон ва ўсимлик ёғи, кофе ва чой, резина маҳсулотлари, шакар ва қандолат маҳсулотлари, автомобиль эҳтиёт қисмлари ва аксессуарлар каби 10 турдаги маҳсулотлар АИРнинг асосий импорт товарлари сифатида рўйхатга олинди, ушбу товарларнинг эркин экспорт қилиниши белгилаб олинган.

Исломободнинг Афғонистон билан алоқаларни ривожлантиришининг бир неча муҳим сабаблари мавжуд:

– биринчидан, Афғонистондаги сиёсий барқарорлик ва йўл-транспорт инфратузилмасини тиклаш Покистонга Марказий Осиё давлатларига тўғридан-тўғри чиқиш имкониятини беради;

³² Русеева Н.Н. Исламский фактор в политике Пакистана во второй половине XX в.: автореф. дис. канд. ист. наук. М, 2009. - 22 с.

– иккинчидан, Покистоннинг Афғонистондаги жараёнларда ўзининг иштирокини сақлаб қолиши унинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларида муҳим ўрин тутди;

– учинчидан, пуштун сепаратистик ҳаракатининг фаолиятини назоратда ушлаб туриш орқали мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини таъминлаш ва беқарор вазият юзага келишининг олдини олиш.

Жанубий Осиё минтақасида кўп йиллар давомида барқарор мавжуд бўлган оғир иқтисодий-ижтимоий вазият ушбу минтақа давлатларининг ягона бирликда бирлашишини тақозо этар эди. XX асрнинг 70-йилларида бошланган илк интеграцион жараёнлар 1985 йил иқтисодий-техникавий ва маданий соҳалардаги ҳамкорликни йўлга қўйиш ва кенгайтиришни бош мақсад қилиб олган Жанубий Осиё минтақавий ҳамкорлик ассоциациясини (СААРК) тузилишига олиб келди. Минтақа давлатларининг баъзилари ушбу ташкилотга сиёсий ва ҳаттоки, ҳарбий тус беришга уринишган. Лекин ушбу ғоянинг Ҳиндистон томонидан қатъий инкор этилиши натижасида СААРК бугунги кунда минтақадаги иқтисодий, ижтимоий, маданий, савдо, туризм соҳаларини ривожлантиришга ўз саъй-ҳаракатларини қаратган. Шу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Жанубий Осиёни ягона бирликка келтириш ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш натижаси бўлмиш СААРК, ушбу минтақада тинимсиз содир бўлаётган чегаравий муаммоларни бартараф этиш, баъзи ички ва ташқи низоларнинг олдини олиш ва бартараф этишда оз бўлсада ўзининг ҳиссасига эга. Минтақавий ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида олиб борилган 15 йиллик давр мобайнида Жанубий Осиёда сиёсий ва хавфсизлик соҳаларидаги келишувлар ҳам аста-секинлик билан яхшиланиб борди. Хулоса сифатида айтиб ўтиш лозимки, АҚШ ҳукуматининг ташқи сиёсатда Жанубий ва Марказий Осиёда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ва таъсир доирасини кенгайтиришга уриниши Покистон иқтисодиётини қўллаб-қувватлаш, унинг ҳудуди орқали минтақани назорат қилиш орқали ифодаланди.

I.3. Вашингтон ва Москва ғоявий қарама-қаршилиги даврида Покистон ва АҚШ муносабатлари таҳлили

АҚШнинг “совуқ уруш” давридаги стратегияси негизида Собик Иттифоқни “ушлаб туриш”, “тийиб туриш” ётарди. Совуқ уруш даврида АҚШ ва Покистон муносабатларида Афғонистон ва Эрон Ислон Республикаларида бўлиб ўтган воқеа ҳодисалар муҳим рол ўйнади. Хусусан, Афғонистонга Собик Иттифоқ кўшинларининг киритилиши ва Эронда давлат тўнтаришининг амалга оширилиши бунга мисол. АҚШ ҳукумати соқув уруш даврида ташқи сиёсатда глобал масштабдаги ишни бажариши лозим бўлди. Мустақилликнинг дастлабки, йилларида Покистон ташқи сиёсати кенг ҳамкорлик йўлини танлаб, мустамлака халқларга мустақиллик бериш, Италияга ўзининг эски мустамлака ҳудудларини қайтариш ёки уларни БМТ назоратига топшириш, ирқчиликка қарши курашиш, БМТ саммитларида Покистон ҳукумати Ливиянинг ғарб давлатлари таклиф этган таъсир доирасига бўлиб олиш таклифига қарши чиқди³³.

Покистон Индонезия халқини голланд агрессорлари зулмидан қутқаришни ёқлаб чиқди. Покистон ҳукумати Корея ярим оролидаги (1950-1953 йиллар) вазият бўйича инглиз-америка резолюциясини қўллаб-қувватлади. Лекин, БМТнинг кўрсатмаси билан Жанубий Кореяда 16 давлатнинг армияси фаолият кўрсатган вақтда ҳам Покистон бу ишларга аралашмади. 1951 йил февралда БМТ саммитида АҚШ ҳукумати Шимолий Кореяни “агрессор” деб эълон қилишини Покистон ҳукумати ёқламади³⁴. 1952 йилда Покистон ҳукумати Вьетнамдаги Бао-Дао томонидан тузумни тан олишини эълон қилди.

³³ Васькин И.Н. Очерки по истории Пакистана (1947-1997 гг.) Т., 1997, С.308.

³⁴ Васькин И.Н. Очерки по истории Пакистана (1947-1997 гг.) Т., 1997, С.308.

1948 йилда Исломобод Москва билан дипломатик алоқаларни ўрнатди. Покистоннинг раҳбарлигида мусулмон давлатлари иттифоқини тузиш режаси амалга ошмагач, “кучли дўстлар” қидира бошлади. 1950 йилларда Покистон ташқи сиёсати Буюк Британиядан АҚШ томонга ўзгарди. АҚШ Покистон орқали Ҳиндистонни “қўшилмаслик сиёсати”дан воз кечишга мажбур этмоқчи бўлди³⁵. АҚШ ҳукумати Покистон орқали бошқа мусулмон давлатларига таъсир ўтказишга интилди. Ҳатто, Собик Иттифоқ ва Хитойда яшовчи мусулмонларга ҳам Покистон мусулмонлари орқали таъсир ўтказиш режалаштирилган эди.

Сан-Франциско университети ходими Г.Лепскининг фикрича “АҚШ ва Англия Покистон билан иқтисодий ва ҳарбий ҳамкорликни йўлга қўйиб, у ерга ғарбча демократияни экспорт қилиб, Совет республикалари ва Синьцзяндаги мусулмонларни ҳаракатга келтириш кўзланганди³⁶”. Канадалик олим К.Коллард ўзининг “Покистон ва унинг ташқи сиёсатини ўрганиш” номли китобида Америка-Покистон яқин алоқаларини таҳлил қила туриб, шундай деганди: “АҚШ давлат котиби Даллес пактларни истади, Покистонга маблағ ва қурол керак эди, улар ўзлари истаганини олишди”³⁷. Покистон ҳукуматининг АҚШ билан яқин муносабатларида ҳарбий омил, қурол-яроғ олиш ва ҳарбий техникавий ёрдам асосий рол ўйнади. Покистон иқтисодиётида орқага кетиш кузатилиб, ҳукумат ҳарбий ҳаражатларни ошириб борди. Юқорида номи зикр этилган олим К.Коллард “АҚШнинг бойлиги ва обрўси уларни бир-бирига керак дўстларга айлантирди”³⁸. 1949 йил декабрда Г.Трумен Покистон бош вазири Лиёқат Алихонни АҚШга таклиф қилди. Унинг ташрифи 1950 йил ойида амалга оширилиб, Америка-Покистон муносабатларининг кейинги тақдирини белгилашда муҳим рол ўйнади. Лиёқат Алихон АҚШни Ҳиндистон билан можороли Кашмир муаммосини ҳал этишда жалб этишга уринди. АҚШ

³⁵ Васькин И.Н. Очерки по истории Пакистана (1947-1997 гг.) Т., 1997, С.308.

³⁶ Ўша асар. 66-бет

³⁷ Ўша асар.67-бет

³⁸ Ўша асар.67-бет

хинд океани худудида ўз сиёсатига кулоқ тутадиган шерикка айлантормоқчи эди. 1950 йил декабрда ПИР-АҚШ ҳукуматлари ўртасида АҚШ ҳарбий қурулларини сотиб олиш ҳақида битим имзоланди. АҚШ Покистонга ҳарбий техникавий ёрдам кўрсата бошлади. Ушбу ёрдамни назорат қилиш учун АҚШ кўп сонли эксперт ва маслаҳатчиларни Покистонга юборди. АҚШ ҳукуматининг Покистонга таъсири ошириб борилди. Натижада, 1954 йил 19 майда “Муджофаа мақсадида ўзаро ёрдам битими” имзоланди. Ушбу шартнома Покистонни АҚШнинг ҳарбий-тадқиқот ва ҳарбий –маслаҳат гуруҳи аъзосига айлантирди. Покистонда АҚШдан келган ҳарбий генераллар Генри Ф.Майрс ва В.Сакстон Покистонга берилган ҳарбий ёрдамни назорат қилиб боришди. Уларнинг фаолияти Покистон ҳарбийларининг жамиятдаги фаоллигини оширди. 1954-1961 йилларда Равалпинди шаҳрида “АҚШнинг Покистонга ҳарбий ёрдам маслаҳат кенгаши” ташкил этилди. 1957 йилда Покистонда америкалик ҳарбийлар сони бир неча мингдан ошиб кетганди. Шу тариқа Покистон ҳарбийлари Пентагон таъсирига тушиб қолишганди.

АҚШ ҳарбий-маслаҳат кенгаши Покистоннинг қуруқлик қўшини, ҳарбий ҳаво кучлари ва бронетехника бригадаларини такомиллаштиришга Карачидаги ҳарбий денгиз кучлари ва Читтонгдаги ҳарбий кемаларни янгидан жиҳозлашга ёрдам беришди. Покистон ҳарбий ҳаво кучлари АҚШ билан ҳамкорликда СЕНТО ва СЕАТО ҳарбий блокларининг бир неча ўқув машқларида иштирок этишган. Бундай машғулотлар Туркия, АҚШ, Англия ва Эронда ташкил этилган эди. Айрим маълумотларга кўра, 1965 йилда Покистон ҳарбий офицерларидан 8000 нафари АҚШда тахсил олиш курсларида қатнашгани аниқланган. Покистон АҚШнинг СЕНТОга Бағдод пактига қўшилиши ҳақидаги ҳаракатларини қўллаб-қувватлаб, АҚШ НАТО-СЕНТО ва СЕАТОни максимал даражада бир-бирига яқинлаштиришга ҳаракат қилди. 1970 йилга келиб Покистон ҳукумати билан АҚШ ўзаро ёрдам беришни камайтиришга ҳаракат қилди. Бунга З.А.Бхуттонинг АҚШ

билан яқин ҳамкорликни бекор қилишига сабаб бўлди. З.А.Бхутто ҳукумати ташқи сиёсатда янги курсни амалга ошириб, нафақат АҚШ балки Европа давлатлари билан кенг ҳамкорлик йўлинидан борди. Покистон Франция билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни кучайтириб, ушбу алоқалар ядро дастури доирасига ҳам кўчди. Бундан ташқари Покистон томони Канада ва Австралия билан ҳамкорликни кучайтирди. 1960-1970 йилларда Покистон ҳукумати босиқчама-босиқ ўз ташқи сиёсатини Америка сиёсати томон йўналтириб борди. 1965, 1971 йилларда бўлиб ўтган иккинчи ва учинчи Ҳиндистон-Покистон урушида АҚШ Покистон ҳукуматини қўллаб-қувватлади. Зулфиқор Али Бхуттонинг ядровий дастурни амалга ошира бошлаши АҚШ-ПИР муносабатларида айрим ўзгариш ва тушунмовчиликларни келтириб чиқарди.

З.Бхутто Москвага 1972,1974 йилларда 2 марта ташриф буюриб, Собик Иттифоқ билан муносабатларни яхшилади, бу албатта АҚШ ҳукуматининг норозилигига сабаб бўлди. 1979 йил Афғонистонга Собик Иттифоқ қўшинларининг киритилиши ПИР-АҚШ муносабатларини янги стратегик шериклик даражасида кучайтирди. Шу сабабли, АҚШ ҳукумати Покистоннинг ядро дастурига нисбатан кўз юмиш сиёсатини юритди.

Совуқ урушнинг тугаши АҚШ ташқи сиёсатида туб ўзгаришларга олиб келди³⁹. Вужудга келган янги дунёни АҚШ ўзгача тассавур қиларди ва бу албатта қабул қилинган стратегияларда ўз аксини топди. 1991 йилда катта Ж.Буш маъмурияти томонидан “Миллий хавфсизлик стратегияси” қабул қилинди. Сиёсатшунослар фикрича ушбу стратегик ҳужжатда бир неча хатоликлар мавжуд эди ва уларнинг фикрича ушбу хатоликлар қуйдагилардан иборат эди: аксарият АҚШ аҳолиси дунё ишларида АҚШ маъсулиятни ўз зиммасидан озод соқид қилиш керак деган фикрига қарамасдан халқаро ҳаётда етакчиликни ўз қўлига олди ва ўз навбатида асосий

³⁹ Москаленко В.Н. Пакистан и ШОС // Сайт Института Ближнего Востока. 2006. URL: <http://www.iimes.ru/rus/stat/2006/27-06-06.htm> (дата обращения: 09.02.2010).

масъулиятни ҳам ўз зиммасида саклаб қолди; АҚШ ўз сафдошларини ҳам дунё масалаларини ҳал қилишда маъсулият олишларини талаб этиши лозим эди; АҚШ Хитой ва Россия каби давлатлар билан иттифоқдош бўлишга ҳаракат қилиши лозим эди.

АҚШнинг Марказий Осиёдаги ҳарбий мавжудлигига асос Афғонистондаги аксилтеррор операциялардир. Бу билан АҚШ Россиянинг анъанавий таъсир доирасига суқилиб кирди. Шу муносабат билан Ч. Фэрбенкс қуйидагиларни таъкидлайди: “...Террорнинг олдини олиш ва террорчиларнинг фаолиятини тийиб туришдек асосий мақсадга эга бўлган курс айни вақтда Россиянинг ушбу минтақадаги империяпараст нафсониятига қарши қаратилган ажралмас чекловчи омил сифатида баҳоланиши мумкин”. Шу муносабат билан Э. Басеевич: “Ҳукумат [АҚШники] бу урушни, бир томондан, терроризм кучларининг илдизини қўпориб ташлаш, бошқа томондан эса – АҚШнинг ушбу минтақадаги бошқа стратегик манфаатларини таъминлаш учун бошлади”, – деб таъкидлайди⁴⁰.

ПИР-АҚШ муносабатларини ўрганиш орқали шуни айтиб ўтиш лозимки, 1990 йиллардаги икки тамонлама алоқалар тарихи нисбатан қоронғулигича қолмоқда. Сабаби, бу даврда ўзаро ҳамкорлик муносабатларида “турғунлик даври” кузатилади.

Марказий Осиё минтақасида геосиёсий кучлар мувозанати турли мамлакатларнинг манфаатлари таъсири асосида юзага келади. Бу мамлакатларни мос равишда икки даражага ажратиш мумкин:

Биринчи даражага Америка Қўшма штатлари, Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Япония ва Европа Иттифоқининг аъзо-давлатлари;

Иккинчи даражага Ҳиндистон, Эрон, Туркия ва Покистон киради.

⁴⁰ Топычканов П.В. Взаимодействие Пакистана со странами Запада в антитеррористической борьбе: август 2006 года // Сайт Института Ближнего Востока. 2006. URL: <http://www.iimes.ru/rus/stat/2006/24-08-06.htm> (дата обращения: 09.02.2010).

Янги миллениум бошидан Покистон ташқи сиёсатда Еврооё векторини кучайтириб, ШХТга кириш истагини билдирди. Бир томонда АҚШ/ НАТО ва бир томонда Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти / Коллектив хавфсизлик ташкилоти қарама-қаршилигида Покистоннинг бундай ҳаракати кўп қутбли “катта ўйин”да томонларнинг мажбуриятини ошириб юбормоқда. Сабаби, Покистондаги ички сиёсий барқарорлик катта ишонч уйғотмайди ва АҚШнинг тўлақонли узоққа мўлжалланган иттифоқчиси бўлиш эҳтимолини шубҳа остига қўяди. Қолаверса, Покистон ва Ҳиндистон ўртасидаги зиддиятларнинг кескинлашуви масалани янада чигаллаштиради. 1970 йиллардан буён минтақада АҚШнинг энг яқин иттифоқчиларидан бири бўлган Эрон ҳам кутилмаганда исломий инқилоб натижасида энг хавфли рақиб давлатлардан бирига айланиб қолганди. Ҳозирда айнан Эрон Ислом Республикаси минтақада АҚШ ва НАТО ҳаракатларини кескин танқидга учратаётган мамлакатдир. Марказий Осиё республикалари ичида Афғонистон билан чегарадош бўлган Тожикистон ва Турманистон ҳам АҚШ/НАТОнинг Афғонистон ва минтақавий хавфсизлик масалаларида узоққа мўлжалланган сиёсатига тўла-тўқис жавоб бера олмайди⁴¹. Тожикистон Марказий Осиё давлатлари ичидан НАТО билан энг охириги бўлиб алоқалар ўрнатган давлат, аксарият ташқи сиёсий масалалар амалда Россия билан “маслаҳатлашиб” амалга оширилади, ички сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорсизлик салоҳияти юқори, кучли марказий ҳокимият мавжуд, -деб айтиш қийин.

АҚШ Россия ва Хитойнинг ШХТ орқали Жанубий Осиё минтақасидаги фаоллигини ҳозир ҳам ташвиш билан кузатиб бормоқда. Марказий Осиёда эса “катта геосиёсий ўйин”да ўз иштирокини тан олмаган ҳолда, АҚШ бу ерда аксарият ҳолларда геосиёсий вазиятнинг ривожланишига ва Россия, Хитой, Эрон, Европа Иттифоқи, Ҳиндистон, Туркия каби куч

⁴¹ Сафоев С.С. Марказий Осиёдаги геосиёсат. ЖИДУ. 2005 37 б.

марказларининг хулқ-атворига қараб иш кўрмоқда⁴². Марказий Осиё бевосита чегарадош бўлган барқарор ярим халқадаги минтақада етакчи давлат ролини ўйнашга интилаётган, ядро қуролига эга бўлган Покистон ва Ҳиндистон, ядро қуролини эгаллашга интилаётган ва муайян ядровий салоҳиятга эга бўлган Эрон каби давлатларнинг минтақа республикаларига нисбатан амбициоз ташқи сиёсати объекти бўлиб қолмоқда. Айрим, россиялик ва хорижлик олимлар ШХТни нафақат терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш учун тузилган балки, Ғарбнинг Марказий ва Жанубий Осиёдаги иқтисодий, сиёсий фаолияти ва таъсирига қарши қаратилган (АҚШ ва НАТО), Россия ва Хитойнинг яширин тусда муқобил минтақавий хавфсизлик тизими сифатида ҳам изоҳлашмоқда. Албатта, бундай фикрларда кўпинча масаланинг ёзилмаган томонларига кўпроқ эътибор қаратилади⁴³.

ШХТ учун, Ҳиндистон ва Покистоннинг қузатувчилар сифатида қиритилиши, улар иштирокида минтақада кечаётган жараёнларни кенгроқ ва атрофлича таҳлил қилишда муҳим ҳисобланади. Масалан, Россия учун Ҳиндистон – Покистон “муносабатлари”да Ҳиндистон, аксинча, ХХРнинг бу давлатлар муносабатларида Покистон масаласи миллий – стратегик аҳамият касб этади. Ҳолбуки, жуғрофий жиҳатдан бу давлатларнинг айниқса, ХХРнинг Покистон ва Ҳиндистон билан анъанавий қўшни давлатлар эканлиги, ҳамда ҳудудлар борасида ҳам ўзаро айрим масалалар мавжуд эканлиги уларнинг ҳамкорлигига салбий таъсир этмоқда. Ҳиндистоннинг ШХТга интеграциялашуви давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг ижобий томонга ўзгаришига олиб келиши мумкин. Назарий жиҳатдан бу ҳолат эҳтимолдан йироқ эмас. Бунинг учун эса, Деҳли ташкилот томонидан илгари сурилган бир қатор шартномаларга, хусусан “Ядровий қуролларни тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома”га қўшилиши керак бўлиб, ушбу масала юзасидан Ҳиндистон ва Покистон бир тўхтамга келиши лозим.

⁴² Ўша асар, 536.

⁴³ Кондрашов А. Расширение НАТО. Соседи - ближе некуда..- Эхо планеты, 2002, №48

Масаланинг яна бир жиҳати, бир томондан, Ҳиндистон ва Россия, иккинчи бир томондан, Покистон ва Хитой ўртасидаги анъанавий “яхши” муносабатларнинг мавжудлигидир. Бу “параллелизм”дан келиб чиққан ҳолда Дехли ва Исламобод назарий жиҳатдан ШХТнинг таркибига, томонлардан бирини “хафа қилиб” қўймаслик, минтақадаги мавжуд кучлар мувозанатини бузмаслик учун ҳар иккала томон бир вақтнинг ўзида қабул қилиниши керак. Аммо, ҳозиргача Кашмир масаласи ҳал этилмай қолаётган экан, ШХТ давлатлари ичида яна бир чигал муаммони пайдо қилишдан бошқа нарса эмас. Ана шу маънода ШХТ томонидан Ҳиндистон ва Покистонга нисбатан кузатувчилик мақомини сақлаб қолиши масаланинг энг оқилона ечими бўлиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида ШХТнинг зиммасига алоҳида жавобгарликни олмаган ҳолда улар ўртасида воситачилик вазифасини бажариши мумкин.

-11 сентябрдан кейин АҚШ терроризмга қарши кураш байроғи остида Кавказ ва Марказий Осиёга ўз қўшинларини олиб кирди. Бунга «АҚШнинг Марказий Осиёдаги ҳарбий мавжудлигига асос бўлган Афғонистондаги аксилтеррор операциялар» хизмат қилди. Бу билан АҚШ Россиянинг анъанавий таъсир доирасига суқилиб кирди. Шу муносабат билан Ч. Фэрбенкс қуйи-дагиларни таъкидлайди: «...Террорнинг олдини олиш ва террорчиларнинг фаолиятини тийиб туришдек асосий мақсадга эга бўлган курс айни вақтда Россиянинг ушбу минтақадаги империяпараст нафсониятига қарши қаратилган ажралмас чекловчи омил сифатида баҳоланиши мумкин». Шу муносабат билан Э. Басеевич: «Ҳукумат [АҚШники] бу урушни, бир томондан, терроризм кучларининг илдизини қўпориб ташлаш, бошқа томондан эса -АҚШнинг ушбу минтақадаги бошқа стратегик манфаатларини таъминлаш учун бошлади», – деб таъкидлайди.

СССР парчаланганидан кейинги дастлабки йилларда юз берган улкан геосиёсий ўзгаришлар туфайли АҚШнинг Марказий Осиё ва Кавказ билан иши йўқ эди. Асосий эътибор Совет ядро қуроли СССР парчаланганидан

сўнг дунё бўйлаб тарқалиб кетишининг олдини олишга қаратилган эди. Шу боис АҚШнинг ушбу минтақадаги дипломатиясининг бутун ҳаракатлари, шубҳасиз, Россияга қарши қаратилган эди. Бу сиёсат «Россия – энг аввал» деган ном олди. АҚШнинг ушбу даврдаги ташқи сиёсий доктринасини С.С. Жильцов ва А.М. Ушаков аниқ ифодалаб бердилар: «АҚШнинг Кавказорти ва Марказий Осиёда ўз мав-кеини мустаҳкамлаши – Вашингтоннинг собиқ СССР худудини қайта бирлашишига йўл қўймасликни назарда тутувчи глобал стратегиясининг бир узвий қисмидир. Айнан шу нарса – собиқ иттифоқдош республикалар ўртасидаги муносабатларнинг мутлақо янги шаклини яратиш – АҚШнинг мақсадидир.

Инглиз геосиёсатчиси Х. Макиндер ўз вақтида Марказий Россия худудининг стратегик жиҳатдан муҳимлиги ғоясини билдирган. У мазкур худудни бутун сайёрани бошқариш учун қулай бўладиган «дунёнинг юраги» (heartland) деб атаган. Х. Макиндернинг фикрича дунёнинг юрагига яқин бўлган худуд, яъни Кавказ ва Марказий Осиёни назорат қилиш ҳам ўта муҳим. Шунинг учун Покистон ҳукумати ўз ташқи сиёсатида АҚШ кейинчалик, вақт ўтиши билан тенг мунозана асосида Россия федерацияси билан ҳам ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга ҳаракат қилди. Покистоннинг Москва билан муносабатларининг ўзгариши айнан Собиқ Иттифоқнинг парчаланишидан сўнг яхши томонга ўзгара борди. Бунга Покистон-Хитой муносабатларининг узоқ йиллардан бери яхши стратегик кўшни эканлиги ҳам катта таъсир кўрсатган эди.

Биринчи боб бўйича хулосалар: Покистоннинг раҳбарлигида мусулмон давлатлари иттифоқини тузиш режаси амалга ошмагач, “кучли дўстлар” қидира бошлади. 1950 йилларда Покистон ташқи сиёсати Буюк Британиядан АҚШ томонга ўзгарди. АҚШ Покистон орқали Ҳиндистонни “қўшилмаслик сиёсати”дан воз кечишга мажбур этмоқчи бўлди. АҚШ ҳукумати Покистон орқали бошқа мусулмон давлатларига таъсир ўтказишга

интилди. Ҳатто, Собик Иттифоқ ва Хитойда яшовчи мусулмонларга ҳам Покистон мусулмонлари орқали таъсир ўтказишни режалаштирди.

II. БОБ. ПИР-АҚШ МУНОСАБАТЛАРИ ВАШИНГТОННИНГ МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН АЛОҚАЛАРИ НИГОҲИДА

II.1. Покистон-АҚШ муносабатларида Кашмир можароси омили

1949 йил декабрда Г.Трумен Покистон бош вазири Лиёқат Алихонни АҚШга таклиф қилди. Унинг ташрифи 1950 йил ойида амалга оширилиб, Покистон-Америка Омуносабатларининг кейинги тақдирини белгилашда муҳим рол ўйнади. Лиёқат Алихон АҚШни Ҳиндистон билан можароли Кашмир муаммосини ҳал этишда жалб этишга уринди.

Шундан келиб чиқиб айтиш лозимки, Жанубий Осиёда кечаётган мураккаб сиёсий вазиятларга ва уларнинг ечимида, жумладан, Кашмир можароси ҳал этишда ҳам АҚШнинг роли юқори бўлиши табиий ҳол. Ўша вақтда халқаро сиёсий майдонда Собик Совет Иттифоқи ва Хитой билан ўзаро қарама-қаршиликда бўлган АҚШ бу вазиятда Покистон тарафида туриб ушбу янги давлат тарафини олди ва ўз манфаатларини кўзлаган ҳолда Кашмир муаммосини ҳал этиш борасида Покистонга ўз йўл-йўриқларини кўрсатиб борди. АҚШ Кашмирда ўзининг ҳарбий базасини тузишни кўзлаган эди. 1947 йил Кашмирга ҳарбий юриш қилган Покистон отрядларига Америка фуқароси генерал К.Хейт бошчилик қилганди.

Жанубий Осиё минтақасида барқарорликнинг тўлиқ таъминланиши маълум маънода Кашмир мақомини аниқлаш ва у сабабли вужудга келадиган низоларни бартараф этишга боғлиқ. Шу боис Кашмир муаммосини тадқиқ этишда қуйидаги омиллар аҳамиятли саналади:

Биринчидан, Кашмир муаммосининг тарихий шарт-шароитлари, мазкур ҳудудда истикомат қилувчи аҳолининг этник бирлиги ва диний эътиқоди;

Иккинчидан, Кашмирнинг стратегик жойлашуви ва унинг геосиёсий аҳамияти;

Учинчидан, халқаро ҳамжамиятнинг Кашмир муаммосига муносабати ва уни ҳал этишдаги саъй-ҳаракатлари.

Тўртинчидан, Кашмирга нисбатан Ҳиндистон, Покистон ва Хитой даъволари ва муаммони ҳал этишдаги ташаббуслари;

Ҳозирги кунда Кашмирда тўрт миллиондан ортиқ аҳоли истикомат қилади. Кашмир аҳолисининг 97% мусулмонлар бўлиб, улардан 35% шиалар ва қолган 62% суннийлардир.

Сринагар, Пахалгам ва Гулмарг шаҳарлари туризм марказларидан саналади. Ажойиб табиати билан туристларни жалб қила олади. Бобурийлар даврида “Ердаги Жаннат” деб таъриф берилиши бу ҳудуднинг нақадар гўзал табиатли эканлигини билдиради. Кашмир ҳудуди тўрт қисмдан иборат бўлиб, учта давлат таъсир доирасида: Ҳиндистон назоратида Кашмир ва Жамму штати, Покистон назоратида Шимолий ҳудудлар ва Озод Кашмир ҳудуди, Хитой назоратида нисбатан кичикроқ Аксаи Чин ҳудуди⁴⁴.

Кашмир маҳаллий аҳолиси орасида Кашмирнинг мустақиллиги учун курашувчи, уни Ҳиндистон ҳам Покистон ҳам назорат қилмаслигини хоҳловчи тарафдорлар мавжуд. Улар Кашмир тўлиқ мустақил бўлиши керак деб ҳисоблайдилар. Дастлаб, 1977 йилда Англиянинг Бирмингам шаҳрида Абдуллохон ва Мақбул Бҳат томонидан тузилган Жамму Кашмир либераллаштириш фронтининг мақсади бу ҳудудни мустақил давлатга айлантириш бўлган ва кейинчалик, яъни 1994-йилларга келиб террористик ташкилотга айланиб қолди. Унинг баъзи бўлимлари Буюк Британиядан ташқари Европанинг баъзи ҳудудларида, АҚШ да, Ўрта Шарқда фаолият олиб боради. Улар 1982 йилда

⁴⁴ <http://www.blatantWorld.com/factsfigures/Asia/FDisputedTerritoriesinAsia>

Покистон Кашмир бошқармасини ва 1987 йил Ҳиндистон Жамму Кашмир бошқармасини ташкил қилишган. Кашмирдаги зиддият сабабли Барамулла шаҳарларида қуролланган исёнчилар пайдо бўлишган.

1971 йил декабрда Ҳиндистон билан Покистон ўртасида яна қуролли низо содир бўлиб, унинг натижасида Кашмирдаги ўт очишни тўхтатиш чизиғи бир неча ерида бузилди. Бангладеш Покистон таркибидан ажралиб чиқди. 1972 йил августда Дехлида ўтказилган музокараларда эса томонлар Кашмирдаги илгариги ўт очишни тўхтатиш чизиғи ўрнига янги назорат чизиғи белгилаб олди. Назорат чизиғи 1972 йилда ҳар икки томон ҳарбий қўмондонлиги вакиллари томонидан тугатилди. Бундан ташқари, Покистон 1965 ва 1999 йиллар давомида мунтазам Ҳиндистонга бостириб кирди ва можаро янада кескин тус олди⁴⁵.

Ҳиндистон Кашмир ҳудуди мамлакатнинг ажралмас қисми деб ҳисоблайди ва буни Кашмир ўз хоҳишига кўра унинг таркибига кирганлиги билан асослайди. Кашмир ҳудуди бутунлигича тарихан Ҳиндистон таркибида бўлгани, ўзаро муосабатларда илгари ҳеч қандай номутаносиблик бўлмаганлиги ва анъаналар, урф-одатлар бир хиллигини, бунга Покистоннинг ҳеч қандай ҳаққи йўқлигини исботлашга уриниб келган. Ҳозирда Ҳиндистон Жамму, Кашмир водийси ва Ладох деб номланувчи ҳудудларни, яъни Кашмирнинг 43% ни назорат қилади⁴⁶.

Покистоннинг асосий даъвоси Кашмир аҳолисининг аксарияти ислом динига эътиқод қилиши ва мусулмонлар бўлганлиги боис ислом давлати сифатида Покистоннинг мазкур ҳудудга эгалик қилишга ваколатли эканлигини илгари сурмоқда. Шу боис 1947 йилдан Покистон халқ орасида референдум ўтказиш ва Кашмир аҳолисининг ўзи қайси давлат таркибида бўлишини ўзлари ҳал этиш кераклигини илгари сурмоқда.

Ҳозирда Хитой Кашмирнинг Аксаи Чин деб номланувчи ҳудудини назорат қилади ва у 10% ҳудудни ташкил этади. Бу ҳудуд асли Кашмирга тегишли

⁴⁵ <http://www.reference.com/browse/Kashmir>

⁴⁶ [http://www.DisputedTerritories.com/AsianTerritoryDisputes/Kashmir\(Jammu & Kashmir\)](http://www.DisputedTerritories.com/AsianTerritoryDisputes/Kashmir(Jammu&Kashmir)).

бўлиб туриб, Хитой Россия, Афғонистон, Тибет ва Буюк Британиянинг жанубий Кашмир чегаралари ҳақида келишув битимига норозилик билдирган. Бунга жавобан 1962 йилги Хитой ва Ҳиндистон ўртасидаги уруш натижасида Аксаи Чин Хитой ҳудудига ўтиб кетган. Транс-қорақурум трактини эса, 1963 йилда Покистон Хитойга тақдим этган. Хитой Кашмирнинг бошқа ҳудудларига даъвогарлик қилмасда, ўзининг назорати остидаги ҳудудни тарих билан боғлайди ва бу ҳудудлар қадимдан Тибетга қарашли бўлган деб ҳисоблайди. Бугунги кунда Кашмирнинг 20% ҳудуди Хитой назорати остида⁴⁷.

Муаммони ҳал этишга уринишлар. Кашмир масаласининг бир неча марта БМТ да муҳокама этилиши ва Ҳиндистон билан Покистон ўртасида олиб борилган иккиёқлама музокаралар ҳеч қандай натижа бермади. Бу икки давлат раҳбарларининг 1966 йил Тошкентда уюштирилган учрашувда Ҳиндистон – Покистон муносабатларини мўтадиллаштириш истиқболларига йўл очиб берган декларация имзоланди. 1972 йилда Покистон ва Ҳиндистон раҳбарларининг Симлада ўтказилган кенгашда битим имзоланиб, унга кўра ҳар икки томон мавжуд тортишувли масалаларни тинч йўл билан ҳал этишни ўз зиммасига олди.

Кашмир можароси ядровий урушларнинг бошланиб кетишига сабабчи бўлиши мумкин бўлган энг низоли муаммодир. Покистонда ядровий дастур 1972 йилда З. Бхутто ташаббуси билан амалга оширила бошланган эди. Ядровий реакторлар ва атом электр станциялари АҚШ, Хитой, Канада давлатлари мутахассислари ёрдамида барпо этилган. Покистонда ядро куролини етказиб бериш воситаларидан бири сифатида АҚШдан олинган “F-16” русумли самолётини айтиб ўтиш мумкин. 2005 йил март ойида АҚШ президенти Ж. Буш “F-16” русумли самолётни Покистонга сотиш учун рухсат берган ва биринчи босқичда 24 та самолёт етказиб бериш назарда тутилган.

⁴⁷ <http://www.kashmiralight.com/html/maharajas>.

Ҳиндистон Покистон билан бир неча мартта музокаралар олиб борган ва бир неча мартта тўқнашган. 2004 йилда Дехли шаҳрида Ҳиндистон ва Покистон ташқи ишлар вазирлари ўртасида Кашмир муаммоси юзасидан музокаралар бошланди. Ҳиндистон Ташқи ишлар вазири Манмаҳан Сингх, жумладан, шундай деди: “Бизнинг мақсадимиз – музокараларда муаммони ҳал этишдаги келишувда ижобий натижага эришиш. Сўнг унинг амалга оширилишини қадам-бақадам баҳолаб борамиз. Аммо, мен ишонаманки, биз Кашмирдаги вазият каби ўта чигал муаммони барқарорлаштиришда келишувга эриша оламиз”. Музокаралар бошланиши олдидан Покистон ташқи ишлар вазири Касурий Кашмир масаласи Жанубий Осиё минтақаси хавфсизлигида ҳал қилувчи омил эканлигини таъкидлаган⁴⁸.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда Кашмир масаласи Жанубий Осиё минтақаси хавфсизлигида асосий омиллардан ҳисобланади. Колаверса, Марказий Осиёда тинчликни барқарорлаштиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Кашмирдаги вазият каби ўта чигал муаммонинг беқарорлиги нафақат Жанубий Осиё минтақаси учун балки, Марказий Осиёда катта таъсир кучга эга дейиш мумкин. Кашмир муаммосининг бугунги кунга қадар сақланиб қолишини асосий икки омил билан изоҳлаш мумкин: Биринчидан, манфаатдор томонлар ўртасида Кашмир мақомини аниқлаш бўйича ягона келишувнинг мавжуд эмаслиги ва илгари сурилаётган барча миллий ташаббуслар низонинг бошқа иштирокчилари томонидан эътироф этилмаётганлиги; иккинчидан, халқаро ҳамжамиятнинг, ўз навбатида, БМТнинг Кашмир муаммосини ҳал этишнинг самарали механизмини ярата олмаганлиги ва воситачилик ролини бажара олиш салоҳияти чекланганлиги.

⁴⁸ <http://www.asiantribune.com/news/2004/11>

II.2. Вашингтоннинг Жанубий Осиёда ядро қуролини тарқатмаслик сиёсати доирасида Покистонга нисбатан муносабати

Покистон иқтисодий ривожланиш борасида Осиёнинг бошқа давлатлари, хусусан, қўшни Ҳиндистондан анча қуйироқда туради. Лекин шунга қарамай, мамлакат халқаро майдонда ўзига хос таъсир кучига эга –йирик давлатлар ҳам Исломобод билан ҳисоблашади. Халқаро ҳамжамиятнинг Покистонга беэътибор бўлишига йўл қўймайдиган омиллар талайгина.

1998 йил Покистон ядро қуролини муваффақиятли синовдан ўтказганини эълон қилди. Шу тариқа у ядро қуролига эга биринчи мусулмон давлатига айланди. Бунга жавобан Покистонга халқаро ҳамжамият томонидан санкциялар белгиланди. Бу мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш суръатларига салбий таъсир кўрсатди. Шу билан бир вақтда мамлакатда сиёсий танглик юзага келди. Бунинг натижасида Покистон бош вазири Навоз Шариф лавозимидан четлатилди ва ҳокимиятни генерал Парвез Мушарраф эгаллади. 2002 йил октябрда бўлиб ўтган умумхалқ парламент сайловида Мушарраф ва унинг тарафдорлари ғалаба қозондилар. Лекин шу вақтга келиб Афғонистондаги воқеалар ҳамда 90-йилларда Исломобод ва томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланган толиблар тузумига қарши антитеррористик кампания муносабати билан мамлакатда вазият кескинлашди. Мушарраф мамлакат позициясини тубдан ўзгартиришга қарор қилди ва “Толибон” ҳаракатига қарши урушда АҚШни қўллаб-қувватлади. Бу мамлакатдаги ислом ақидапарастларининг қаттиқ норозилигига сабаб бўлди. Мушаррафга қарши сурункасига бир неча марта суиқасд

уюштирилди. Айти вақтда, Покистон раҳбариятининг бу ҳаракати ўз самарасини берди. Мамлакатнинг жуда кўп миқдордаги ташқи қарзи реструктуризация қилинди, бир қисмининг эса баҳридан ўтилди. Покистон катта моддий ёрдам олди. Бу мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш суръатларига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Ўз геосиёсий рақиблари - қўшни мамлакатлардан иқтисодий тараққиётда орқада қолмаслик Покистон ҳукуматининг бош вазифасидир.

Покистоннинг Марказий Осиёга нисбатан ташқи сиёсий стратегияси юқорида зикр этилган муаммолар мажмуи билан белгиланади.

Исломобод Марказий Осиё давлатларининг мустақиллигини пайсалга солмасдан, ўша заҳоти тан олди. Табиийки, у мазкур давлатлар сиймосида ўз геосиёсий иттифоқчиларини топишга умид қилар эди. Асосий рақиб - Ҳиндистоннинг яқин ҳамкори бўлган Россия 90-йиллар бошида Марказий Осиёдан “стратегик чиқиб кетиш” имконияти Покистонни бунга қаттиқ руҳлантирди. Исломобод ҳали СССР парчаланмай туриб Марказий Осиё мамлакатлари суверенитетини қўллаб-қувватлаш ва БМТга аъзо бўлишда уларга ёрдам қўлини чўзишга тайёрлигини билвосита билдирган эди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Покистон раҳбариятининг минтақадаги сиёсий алоқалари анча фаол бўлди, иқтисодий ҳамкорликка катта умид билан қаралди. Бироқ кейин орадаги муносабатларда узоқ танаффус рўй берди.

Аввало, мамлакатларни бевосита боғловчи транспорт тармоқлари йўқлиги, уларнинг ўртасида жойлашган Афғонистондаги уруш савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга имкон бермаслиги аён бўлиб қолди. Қолаверса, Покистон Марказий Осиёнинг дунёвий тараққиёт йўлидан бораётган Марказий Осиё мамлакатлари, аввало Ўзбекистонга ёв кўзи билан қарайдиган “Толибон” ҳаракатини қўллаб-қувватлагани, айрим маълумотларга кўра эса, унинг ташкил топишида бевосита иштирок этгани минтақа давлатларини Покистондан узоқлаштирди. Ниҳоят, Марказий Осиё

мамлакатларидан қочган экстремистик ҳаракатлар ва террорчилик гуруҳларининг аъзолари Покистонда паноҳ топгани ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатди.

2001 йил 11 сентябрь воқеасидан Исломобод муносабатининг тубдан ўзгариши Марказий Осиёда Покистон мавқеининг тикланишига имконият туғдирди. Президент Мушарраф 2005 йил мартда ўзининг Тошкентга ташрифи чоғида мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги муносабатларда “янги давр” бошланганини қайд этди. У тинчлик ва барқарорликка қарши хавфларга биргаликда кураш олиб боришга, минтақа мамлакатлари дуч келаётган муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беришга тайёрлигини тасдиқлади.

Покистон минтақадаги нуфузли куч эканлиги шубҳасиз. У Афғонистон можаросини тартибга солиш жараёнларида муҳим рол ўйнади. Шу боис минтақа муаммоларини ҳал қилишга Покистоннинг фаол аралашishi жуда муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Боз устига, Покистоннинг келажаги ва иқтисодий амбицияларининг рўёбга чиқиши Марказий Осиёдаги вазиятга бевосита боғлиқлиги аён бўлиб бормоқда.

Бу ерда аввало Покистон иқтисодиёти эҳтиёжлари учун минтақа энергия ресурсларидан фойдаланиш истиқболлари назарда тутилмоқда. Бугунги кунда Покистоннинг ўрта синфи 30 млн. кишидан ошиб кетди. Уларнинг иқтисодий фаоллиги анча юқори бўлиб, энергия билан таъминлашни тақозо этади. Покистон Марказий Осиёдан келадиган қувур йўллари бу ердан ўтиб Ҳиндистонга бориши ва бу мазкур мамлакат билан тил топиш имкониятини туғдиришига умид қилмоқда. Покистон бизнеси минтақа бозорини ўзлаштирмоқда, бу ерда ўз маҳсулотларини сотишга ҳаракат қилмоқда. СССР ва Афғонистон ўртасидаги уруш йилларида афғон мужоҳидларига ёрдам кўрсатиш бўйича фаол ҳаракатлар барҳам топганидан сўнг Покистон портларидан тўлақонли фойдаланилмай қўйилди. Уларнинг ривожланган порт инфратузилмаси юкланмай қолмоқда. Исломобод Марказий Осиё мамлакатлари ўз транспорт стратегиясини Карачи ва Гвадар

портларига қаратишидан манфаатдор эканлигини яширмапти. Агар Марказий Осиёдан асосий маршрутлар шу портлар билан туташса, Покистоннинг обрўли регионал давлат сифатидаги аҳамияти янада ошади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов 1993 йил 28 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқида Марказий Осиёнинг ядро қуролидан холи ҳудуд деб эълон қилиш ташаббусини илгари сурди. “Ҳозирги замон воқелиги шундайки, бир мамлакатнинг хавфсизлиги бошқа давлат ҳисобидан таъминланиши мумкин эмас, минтақа хавфсиз–лигини бутун жаҳон хавфсизлиги муаммоларидан ажратган ҳолда кўриб бўлмайди. Шунга асосланиб, Ўзбекистон ядро қуралининг батамом тугатилиши учун, ядро қуралини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг самарали ҳаракат қилиши ва унинг ҳеч бир муддатсиз узайтирилиши учун ҳаракат қилади... Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасининг ядросиз зона, деб эълон қилинишининг қатъий тарафдоридир”, – деди юртбошимиз ўз нутқида.

Ўзбекистон Республикасининг ташаббуси 1997 йил февраль ойида қабул қилинган Олма-Ота декларацияси асосида қўшниларимиз – Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳамда Туркманистон томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди. 1997 йил 15 сентябрда Тошкентда ўтказилган «Марказий Осиё – ядро қуролидан холи ҳудуд» мавзуидаги халқаро конференция ядро қуролидан холи ҳудудни яратиш йўлидаги муҳим воқеа бўлди. Анжуман якунига кўра тегишли шартномани тайёрлаш учун Минтақавий экспертлар гуруҳи (МЭГ) тузилди.

2002 йил 27 сентябрь куни Самарқандда бўлиб ўтган МЭГнинг сўнгги учрашув доирасида шартномани имзолаш маросимини Семей (собик Семипалатинск) шаҳрида ўтказишга келишиб олинди. Шартноманинг собик Семипалатинскда имзоланиши рамзий маънога эга, чунки Совет даврида бу ердаги ядро полигонида 456 марта ядро қуроли синовдан ўтказилган. 2005 йил 7-9 февраль кунлари Тошкентда МЭГнинг еттинчи учрашуви ўтказилиб,

унинг давомида «ядровий бешлик» давлатлари (Буюк Британия, Хитой, Россия, АҚШ ва Франция), МАГАТЭ ҳамда БМТ–нинг ҳуқуқий масалалар бўйича Департаменти таклиф ва мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда шартноманинг матни юзасидан Марказий Осиё республикатларининг умумий ёндашуви борасида келишиб олинди.

II.3. АҚШ ва Покистон ўртасидаги аксилтеррористик ҳамкорликнинг геосиёсий ва ҳарбий-сиёсий жиҳатлари

Покистон 1997 йил “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Конвенцияга ҳамда 2001 йил халқаро антитеррор коалициясига қўшилган бўлиб, терроризмга қарши курашда АҚШнинг стратегик ҳамкори ҳисобланади.

Бугунги кунда халқаро террорчилик, экстремизм ва радикализмга қарши кураш дунё мамлакатларини бирлаштирадиган асосий омил бўлиб қолмоқда.

Террорчиликнинг анъанавий ҳомийлари бўлган давлатлар молиявий кўмакни борган сари камайтириб бораётганлиги сабабли террорчилар кўпроқ бошқа молиявий манбалар, жумладан наркотик моддаларни ишлаб чиқиш ва сотишдан фойдалан-моқдалар. Сўнгги ўн йилликда террорчилик гуруҳлари ва наркотиклар етказиб берувчилар ўртасида жипслашув ва шунингдек террорчилик гу-руҳларининг ўз операцияларини молиялаштириш мақсадида наркотикларни ташишда борган сари кенгрок иштирок этиш-лари кузатилмоқда

Мутахассисларнинг фикрига кўра, ҳозир дунёда 500 га яқин террорчи-лик ташкилотлари мавжуд бўлиб, уларнинг 80 % ислом дини ниқоби остида фаолият юритади. Бундай ташкилотларнинг энг йириклари қаторига “Ал-Қоида”, “Мусулмон биродарлар”, “Ҳизбут-Тахрир”, “ал-Жиход ал–Исло-мий”, “ат-Такфир ва-л-Ҳижра” (Миср), “Ҳизбуллоҳ” (Ливан), “ХАМАС” (Фаластин), “Абу Сайёф” (Филиппин), “Озод Ачех”, “Лашкари жиход” (Индонезия), “Қуролли исломий ҳаракат” (Жазоир), “Ўзбекистон исломий

ҳаракати”, “Ислом жиҳоди гуруҳи” каби бир қатор террорчилик ташкилотлари киритилган.

Бугунги кунда халқаро терроризмнинг ўзига хос характерли жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- Трансмиллий аҳамиятга эга террорчилик ҳаракатлари содир этилаётгани;
- Турли мамлакатлар ҳудудидаги террорчилик ташкилотлари орасида мустаҳкам ахборот ва ёл–ланма жангариларни алмашиш;
- Компьютер технологияларидан тарғибот-ташвиқот ва ёллаш ишларида кенг фойдаланишни йўлга қўйилганлиги;
- Террорчиларни тайёрлашга мўлжалланган махсус лагерларнинг мавжудлиги;
- Йирик молиявий манбаларга эгаллиги.

Ҳозирда халқаро терроризм хилма-хил молиявий манбалардан озикланиши ҳисобига фаолият қамровини кенгайтиришга, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда. Жумладан:

- Аъзолик бадаллари, аҳолининг хайрихоҳ қисми, мамлакат ичкарисидаги тадбиркорлар томони–дан бериладиган хайрия, моддий ёрдам натижасида шаклланувчи молиявий маблағлар;
- Айрим чет эл клерикал ташкилотлари ва жамғармалари томонидан ажратилган молиявий маблағлар;
- Гиёҳванд моддалар ва қурол-яроғни ноқонуний олиб ўтиш натижасида қўлга киритилган молиявий маблағлар;
- Ўғрилик, талончилик, дўқ-пўписа, буюртма қотиллик каби жиноятларни амалга ошириш йўли билан қўлга киритилган молиявий маблағлар;
- Ташкилотнинг молиявий маблағи ҳисобидан очилган қонуний тижорат тузилмаларидан тушувчи даромадлар орқали шаклланади ва ҳ.к.

Шунингдек, соҳа мутахассислари ва айрим тадқиқотчилар томонидан, бугунги кунда фаолият кўрсатаётган қарийб 150 та ноҳукумат исломий ташкилотлар жангарилик амалиётларини молиялаштиришда гумон қилинмоқда .

Хусусан, “Ал-Қоида” халқаро террорчилик ташкилоти Марказий Осиё минтақасида жиноий фаолияти кенг ёйилган “Ҳизбут-таҳрир”, “Ўзбекистон

исломий ҳаракати”, “Ислом жиҳоди гуруҳи” каби террорчилик ташкилотларининг бош молиявий манбаларидан бири ҳисобланади.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан 2006 йил 1 январидан кучга кирган “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида”ги қонуни терроризмга қарши курашда даставвал уни озиклантирувчи ғоявий-маънавий ва молиявий-иқтисодий манбаларига қарши туриш, жиноий фаолиятдан олинган даромадни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Бугунги кунда халқаро терроризм ва унинг кўринишларига қарши курашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси халқаро ва минтақавий ҳамкорликни амалга ошириб келмоқда.

Хусусан, Халқаро терроризмга қарши курашишда БМТ томонидан 12 та ҳужжат, 16 та конвенция, 2 та протокол қабул қилинган. Шунингдек, БМТ Бош Ассамблеяси 2006 йил 8 сентябрда Глобал контртеррористик стратегиясини тасдиқлаб, уни босқичма-босқич амалга оширмоқда .

Шунингдек, БМТ Хавфсизлик кенгашининг 1373-сонли резолюцияси қабул қилинган. Резолюцияга кўра, давлатлар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар халқаро терроризмдан моддий-молиявий жиҳатдан ўзларини тийишларини, давлатларнинг террорчиликка кўмак бериш ҳолатларини жиноят деб топиб, улар учун қатъий жавобгарлик чораларини белгилаш лозимлигини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб, ушбу мажбуриятларни бажариш устидан махсус орган – халқаро терроризмга қарши кураш кўмитаси таъсис этилган.

Бугунги кунда бутун дунёда сиёсий жараёнлар жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Шулар қаторида Жанубий Осиё минтақасидаги сиёсий жараёнлар ҳам бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, кенг жамоатчиликни эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Хусусан, Жанубий Осиё

минта–қасининг давлатларидан Покистон Ислом Республикасининг қўшни Афғонистон Ислом Республикаси билан ўзаро муносабатларидаги муаммоларнинг сақланиб қолаётганлиги дунё хамжамиятини ўзи–га жалб қилиб келмоқда.

Икки давлат ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи икки томонлама норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жумладан, 2002 йил 22 декабрида минтақада тинчлик, хавфсизлик ва ривожланишни таъминлаш юзасидан имзоланган Қобул декларацияси, 2005 йилги “Покистон Ислом Республикаси ва Афғонистон Ислом Республикаси ўртасида транзит қатнови тўғрисида”ги келишув, 2007 йилги “Покистон Ислом Республикаси ва Афғонистон Ислом Республикаси ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлаш бўйича уч томонлама қўшма ишчи гуруҳини тузиш тўғрисидаги» шартнома, 2009 йил 6 январда имзоланган “Икки томонлама ҳамкорлик йўналишлари тўғрисида”ги қўшма декларация, 2009 йилда имзоланган “Исломобод декларацияси” ҳамда “АИР ва ПИР транзит юқларини ташиш тўғрисидаги” келишув, “АИР ва ПИР терроризмга қарши курашишда ҳамкорлик тўғрисидаги” меморандумлар бўлишига қарамасдан ўзаро муносабатлар беқарорлигича қолмоқда.

Бунга икки давлат муносабатларидаги пуштун масаласи, чегара статуси ҳамда “Толибон” ҳаракати каби омиллар салбий таъсир кўрсатиб келмоқда.

Хусусан, мазкур мамлакатлар ташқи сиёсий стратегияларини ишлаб чиқишда пуштунлар масаласи доим кун тартибининг биринчи ўринда туради.

Таъкидлаш керакки, Федерал бошқарувдаги қабилалар ҳудуди яшовчи 4 млн. аҳолининг 90% ни пуштунлар ташкил этади. Пуштунларнинг умумий сони 38 млн. кишини ташкил этиб, улардан 12,5 млн. Афғонистон ҳудудида, 25 млн. Покистонда истиқомат қилишади. Икки давлатда яшовчи пуштунларни бирлаштирувчи ягона “Буюк Пуштунистон” давлатини куришга

интилишлар ФБКХни нотинч жойлигича сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Шу билан бирга афғон-покистон муносабатларида давлат чегараларини белгилаб олишда муаммолар мавжуд. Ҳозирги вақтда Британия Ҳиндистони ва Афғонистон томонидан ўрнатилган “Дюранд чизиғи” деб номланувчи 2640 км.лик чегара Покистон ва Афғонистонни бўлиб туради. Бу чегара тўғрисидаги келишув 1893 йил 12 ноябрда Қобул шаҳрида Афғон амири А. Раҳмон ва Британия Ҳиндистони вакили Г. Д. Мортимер томонидан имзоланган. Кейинчалик “Дюранд чизиғи” 1905, 1919, 1921 йилларда инглиз – афғон шартномаси билан тасдиқланган. Бугунги кунгача чегаранинг қонунийлиги масаласи икки тамоннинг тортишувига сабаб бўлиб келмоқда. 1949 йилда афғон Лойи Жирғаси Дюранд чизиғини ноқонуний деб эълон қилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳам бу муаммо хусусида, “Афғонистондаги вазиятни барқарорлашуви учун қўшни Покистоннинг раҳбарияти, ҳукумати билан ҳамкорликда чегара муаммоларини, биринчи навбатда Вазиристон ҳудудидаги муаммоларни ҳал қилиш муҳим аҳамиятга эга” деб бежизга таъкидламаган эди.

Сўнгги йилларда икки давлат ўртасидаги давлат чегараларининг тан олинмаётганлиги чегарадаги вазиятни кескинлашишига олиб келмоқда.

Хусусан, 2011 йил 26 июнь куни Афғонистон Миллий Хавфсизлик Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтган. Ушбу кенгашда АИР давлат раҳбари Х. Карзай жорий йилнинг июнь-июль ойлари давомида Покистон ҳудудидан Афғонистоннинг жанубий Кунар ва Нангархар провинцияларига 800 дан ортиқ ракеталар ҳужуми уюштирилганлиги оқибатида 42 нафар тинч аҳоли ҳалок бўлган, 55 фуқаро яраланган ва 120 дан ортиқ уйлар вайрон бўлганлиги сабабли, 2 мингга яқин тинч аҳоли ўз уйларини ташлаб бошқа жойларга кўчиб ўтишга мажбур бўлганлигини маълум қилган.

Ушбу ҳолат юзасидан, 2011 йил 4 июль куни Афғонистон парламенти йиғилишда Покистон ҳукумати томонидан бўлиб ўтган ҳолат юзасидан чора-тадбирлар кўрмаётганлиги сабабли ушбу давлат билан дипломатик алоқаларни узишга ва ПИР етказилган зарар учун компенсация тўлаши шартлиги таъкидланган. Шу билан бирга, Афғонистон қуйи палатаси (Уолеси джирга) депутатлари ҳам ҳукуматнинг қуролли ҳужумларни тўхтатишга қаратилган ҳарбий чораларини ҳам қўллаб-қувватлашини билдирган. Шунингдек, 2011 йилнинг 19 июль куни Қобулда ПИР Президенти Ю.А. Зардори билан АИР давлат раҳбари Х. Карзай ўртасида расмий учрашув бўлиб ўтган. Икки давлат раҳбарлари учрашуви давомида Покистон Президенти Ю.А. Зардори минтақавий хавфсизлик, савдо-транзит масалалари билан бирга ҳудудлардаги чегара ҳолатларига ҳам тўхталиб, Покистон ушбу ҳолат юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўришини таъкидлаб ўтган. Ушбу учрашув давомида, Покистон Иислом Республикаси Мудофаа Вазири Р. Малик ҳамда Афғонистон Иислом Республикаси Мудофаа Вазири Б.Х. Муҳаммади покистон-афғон чегараларидаги мавжуд муаммоларни олдини олиш мақсадида назорат постларига беометрик тизимни шакллантириш ва чегаралардаги фуқароларнинг ўтиб қайтишини тартибга солиш тизимини келишиб олишган.

Сўнгги йилларда ПИР ва АИР муносабатларида “Толибон” ҳаракати ҳам деструктив омил сифати номоён бўлиб келмоқда.

Жумладан, “Афганистан.ру” интернет сайтининг маълумотларига кўра, Покистон Иислом Республикасидаги 37 минг мадраса ва 2 мингдан ортиқ жангарилар тайёрланадиган норасмий марказларда толибон ҳаракати учун жангарилар тайёрлаб бераётганлигини маълум қилган. 2011 йилнинг июнь ойида АИР Президенти Х. Карзай, НАТО Қуролли Кучлари бошлиғи Д. Петрэус ва АҚШнинг Афғонистон Иислом Республикасидаги элчиси К. Эйкенберрилари иштирокда бўлиб ўтган Афғонистон Миллий Хавфсизлик

Кенгашининг йиғилишида томонлар расмий Исломободни Толибон ҳаракатини қўллаб-қувватлашини тўхтатишга чақирган.

Хусусан, оммавий ахборот воситалари маълумотларида 2011 йил 13 сентябрь куни Қобул шаҳрининг марказида “Толибон” ҳаракати жангарилари томонидан АҚШ элчихонаси ва Қобулдаги НАТО штаб-квартираси ўққа тутилган. Шунингдек, Россия Федерацияси элчихонаси олдида ҳам “Толибон” жангарилари томонидан портлаш уюштирилганлиги маълум қилинган.

Бундан ташқари, 2011 йилнинг 20 сентябрда Афғонистон собиқ Президенти, Тинчлик келишуви Кенгаши (ТКК) раҳбари, Б. Раббоний ўлдирилиши икки давлат муносабатларини янада кескинлашувига олиб келган.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, АҚШ ва НАТО ҳарбийларининг Афғонистон ҳудудидан чиқиб кетиши “Толибон” ҳаракатининг фаолиятини кучайиши ва давлатнинг барча ҳудудларини ўз назоратига олишига олиб келиши мумкин. Бу эса нафақат Жанубий Осиё балки АИР билан бевосита чега-радош бўлган Марказий Осиё минтақавий хавфсизлик тизимида ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

ХУЛОСА

“Покистон ва АҚШ муносабатлари ривожланиши тарихи” мавзусини битирув малакавий иши доирасида ўрганиб чиқиб қуйидаги хулосаларга келинди:

- Покистон мустақилликни қўлга киритгандан буён, Вашингтоннинг ПИР билан муносабатлари тарихида АҚШнинг минтақадаги геосиёсий манфаатларини таъминлаш масаласи муҳим аҳамият касб этгани кузатилади. Покистон билан ўзаро манфаатли муносабатларда АҚШ учун иқтисодий омил иккинчи даражали бўлгани қайд этилди. Вашингтон Исломободни молиявий, ҳарбий-техникавий қўллаб-қувватлаш эвазига Жанубий Осиё минтақасида ўзининг таъсирини сақлаб туришга эришди.

- ПИР-АҚШ муносабатларида Вашингтон томонидан Покистондаги ички сиёсий жараёнларга таъсир кўрсатиш, уни назорат қилишга уриниш муҳим аҳамият касб этди. Биринчидан, АҚШ ҳукумати Покистон раҳбарларидан унинг минтақадаги сиёсий қизиқишлари бўйича қўйилган талабларни тушуна билиши ва қўллаб-қувватлашини, ёрдам беришини кутди. Иккинчидан, ҳақиқатан АҚШ учун ҳар доим Покистоннинг барқарорлиги зарур бўлди, минтақада ҳар доим беқарорлик юзага келганда АҚШ учун муаммоларнинг миқдори ошиши кузатилди. Шунинг учун АҚШ ҳукумати, иқтисодий санкциялар қўллаш, ҳарбий-техникавий ёрдам кўрсатиш, молиявий инвестициялар киритиш орқали Покистонга таъсир ўтказишга ҳаракат қилиб келди.

- АҚШ ҳукумати учун Покистоннинг минтақадаги геосиёсий ўрни, транзит йўллар кесишган ҳудудда жойлашганлиги, Хитой, Ҳиндистон, Эрон ва Марказий Осиё давлатлари билан чегарадош эканлиги муҳим аҳамиятга молик бўлган.

-АҚШ Покистон жамиятини демократлаштиришга интилиб, бу омил мамлакатда барқарорликни таъминлайди деб ҳисоблади. Айнан, демократия Вашингтон манфаатларини юзага чиқаришда восита ролини бажариши

керак эди. Бундан ташқари, Вашингтон Покистондаги ислом омилидан мамлакат ички ишларига аралашиб воситаси сифатида фойдаланилгани кайд этилди.

- Покистон ва АҚШ муносабатларида кўшни Афғонистонда бўлаётган вазият ҳам муҳим рол ўйнади. Афғонистонда бўлиб ўтган воқеа-ходисалар АҚШ ва Покистон ўртасидаги муносабатларнинг вақти-вақти билан ўзгариб туришига таъсир кўрсатиб келгани аниқланди. Афғонистон масаласида Покистон АҚШнинг энг асосий ҳамкори вазифасини бажарди. Расмий Исломобод ва Вашингтоннинг “афғон муаммо”си бўйича муносабатларида ҳам “ислом омили” етакчи аҳмиятга эга бўлгани кайд этилди.

-1990 йилдан кейин Покистон ва АҚШ муносабатларида содир бўлган ўзгаришларда, Исломободнинг “ядровий дастур”ни рўёбга чиқаришга бўлган ҳаракатлари катта таъсир кўрсатди. Бу масалада АҚШ муваффақиятсизликка учради дейиш мумкин. 2001 йилдаги АҚШда содир бўлган теракт Покистоннинг ядро қуроли ва унга бўлган муносабатни ўзгартирди.

-Покистон иқтисодиёти АҚШ корпорациялари учун муҳим аҳамият касб этиб, товар ва маҳсулотлар учун бозор вазифасини бажариб келди. Лекин Покистондаги инфраструктуранинг нисбатан қоқлиги, барқарорликнинг таъминланмаганлиги ва коррупциянинг юқори даражада сақланиб қолганлиги АҚШ ишбилармонларига тўсқинлик қилди. Покистон АҚШ учун узоқ йиллар хом-ашё базаси вазифасини ҳам бажарди.

-2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейин Жанубий ва Марказий Осиё минтақасида янги геосиёсий вазиятнинг юзага келиши Покистон ташқи сиёсатининг ўзгаришига олиб келди. Ушбу вазиятдан келиб чиқиб расмий Исломобод минтақавий ва ички барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш мақсадида кўп томонлама сиёсат олиб боришга асосий эътибор қаратди.

Бугунги кунда Покистон ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва антитеррористик ҳаракатларда фаол иштирок этиш бўлиб, бу борада дунёнинг етакчи давлатлари ҳамда бир қатор минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

-Бугунги кундаги халқаро ва минтақавий шарт-шароитларидан келиб-чиқиб ПИР-АҚШ муносабатлари янгича талаблар асосида давом этмоқда. Лекин бугунги Покистон ҳукумати илгаригидек Вашингтонга қарамликдан воз кечиб, ўз ташқи сиёсатини “кўп қутблйлик” тамойили асосида юритишга интилаётганини кузатиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари

- I.1.** Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.-Т.: Ўзбекистон, 1992.
- I.2.** Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. Т., “Ўзбекистон”, 1997.
- I.3.** Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.:Ўзбекистон, 1998.
- I.4.** Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломқа.-Т.:Ўзбекистон, 1999.
- I.5.** Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” Т., “Ўзбекистон”, 2010.
- I.6.** Каримов И. “Малакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш – устувор мақсадимиз” Ишонч газетаси, №12 28.01.2010

II. Дарсликлар:

- II.1.** Хидоятлов Г.А., Гуломов Х.Г. Всемирная история. Новейший период Европа и США после второй мировой войны (1945-1999) Учебное пособие для студентов Р.У.Т., 1999.
- II.2.** Белокреницкий В.Я, Москаленко В.Н. История Пакистана. XX век. -М.: ИВ РАН, Крафт+, 2008. 576 с.
- II.3.** Ганковский Ю.В., Гордон-Полонская Л.Р. История Пакистана. М.: Изд-во вост. лит., 1961. - 382 с.
- II.4.** Киссинджер Г. Дипломатия. М.: Ладомир, 1997. - 849 с.
- II.5.** Киссинджер Г. Нужна ли Америке внешняя политика. М.: Ладомир, 2002.-351 с.

III. Хужжатлар:

- III.1.** The Constitution of the United States of America. Philadelphia: Running Press, 2006. - 75 p.
- III.2.** The Constitution of the Islamic Republic of Pakistan: Edition 2008. Karachi: The Ideal Publishers, 2008. - 239 p.
- III.3.** Договор о нераспространении ядерного оружия, 1 июля 1968 г. // Действующее международное право. Документы. В 2-х т. / составители: Колосов Ю.М., Кривчикова Э.С. М.: Международные отношения, 2002. -Т.1.-С. 641-646.
- III.4.** Резолюция 1386 (2001), принятая Советом Безопасности на его 4443-м заседании, 20 декабря 2001 года. Положение в Афганистане // The 10. United Nations official web site.

IV. Ўқув қўлланмалар:

Ўзбекистон Республикасида чоп этилган

- IV.1.** Абдураззоқова М. XX асрнинг иккинчи ярми жаҳон тарихи (Маърузалар тўплами). -Т., 2000. Б.270.

Россияда чоп этилган

- IV.2.** В.Н. Москаленко. Внешняя политика Пакистана. М., 1984. с. 30
- IV.3.** В.Я. Белокреницкий, В.Н. Москаленко, Т.Л. Шаумян. Южная Азия в мировой политике. М., 2003. с. 102.
- IV.4.** Лунев С.И. Дипломатия в Южной Азии. М.: Наука, 1993. - 196 с.
- IV.5.** Москаленко В.Н. Внешняя политика Пакистана (формирование и основные этапы эволюции). М.: Наука, 1984. - 427 с.
- IV.6.** Москаленко В.Н., Шаумян Т.Л. Проблемы обеспечения безопасности России и геополитическая ситуация в Южной Азии. М.: Европеум-Пресс, 2001.-324 с.
- IV.7.** Мукиджанова Р.М. Политика США в Пакистане. М.; Изд-во соц.-экон. лит-ры, 1961. - 224 с.
- IV.8.** Мукиджанова Р.М. Пакистан, Южная Азия и политика США (60-е -начало 70-х гг.). -М: Наука, 1974. 192 с.
- IV.9.** США на рубеже веков. М.: Наука, 2001. - 496 с.
- IV.10.** Уткин А.И. Американская империя. М.: Эксмо, 2003. - 736 с.

V.Илмий монография, мақолалар ва бошқа асарлар:

V.1. Гиёсов Т.Г. Концептуальные проблемы новой и новейшей истории зарубежного востока. – Т., 2008. С.124

Россияда чоп этилган

- V.2.** Р.М. Мукиджанова. Пакистан и империалистические державы: 70-е – начало 80-х годов. М., 1984
- V.3.** Воробьев А.В. Афганский фактор в отношениях США и Пакистана на рубеже XX-XXI вв. / А.В. Воробьев // Учёные записки Казанского государственного университета. Серия «Гуманитарные науки». – 2010. – Т. 152.
- V.4.** Н.В. Жданов. Исламская концепция миропорядка. М., 2003.
- V.5.** Л.М. Ефимова. Интеграция на основе религии: Организация Исламской конференции. – Восток / Запад. Региональные подсистемы и региональные проблемы международных отношений. М., 2002, с. 261.
- V.6.** Арунова М.Р. Афганская политика США в 1945-1999 гг. -М.: ИИИиБВ, 2000.-128 с.
- V.7.** Белокреницкий В.Я, Москаленко В.Н, Шаумян Т.Л. Южная Азия в мировой политике. М.: Международные отношения, 2003. - 367 с.
- V.8.** Бжезинский 36. Великая шахматная доска (Господство Америки и его геостратегические императивы). -М.: Международные отношения, 1998. -256 с.
- V.9** Бхутто Б. Примирение: ислам, демократия и Запад. М: Sabina Pak Ltd. -323 с.
- V.10.** Воскресенский А.Д. Большая Восточная Азия: мировая политика и энергетическая безопасность. -М.: Ленанд, 2006. 128 с.
- V.11.** Иванова И.И., Мелкумян Е.С., Мукиджанова Р.М. Международные отношения в Юго-Западной Азии (Турция, Пакистан, государства Персидского залива. Конец 70-х начало 90- гг.). - М.: 1994. - 276 с.
- V.12.** Колобов О.А. и др. Запад: новые измерения национальной и международной безопасности // Колобов О.А., Балуюев А.Н, Рыхтик М.С, Хохлышева О.О. Н.Новгород: ННГУ, 1997. - 347 с.

V.13. Плешов О.В. Ислам и политическая культура в Пакистане. -М.: ИБВ, 2005.- 236 с.

V.14. Панарин А.С. Искушение глобализмом. -М.: Эксмо, 2003. -416 с.

V.15 Политика США в меняющемся мире / отв.ред.: Подлесный П.Т. М.: Наука, 2004. - 233 с.

V.16. Проблемы лидерства во внешнеполитической деятельности США. Итоги первого срока администрации Буша / Кременюк В.А, Мирзаян Т.В, Подлесный П.Т. -М.: ИСКР АН, 2005. 142 с.

V.17. Сотников В.Н. Ядерная проблема в индийско-пакистанских отношениях. - М.: 2003.-256 с.

V.18. Южная Азия: конфликты и компромиссы/ отв. ред. Ванина Е., Куценков А.А. М.: Ин-т востоковедения РАН: Центр инд. исслед, 2004.- 357 с.

V.19. Богатуров А.Д. Стратегия перемалывания в международных отношениях и внешней политике США // Внешняя политика и безопасность современной России. 1991-2002.-М.: РОССПЕН, 2003.-Т. 3. С. 215

Бошқа хорижий давлатларда чоп этилган

V.20. Musharraf P. In the Line of Fire: a memoir. New-York: Free Press, 2006. — 368 p.

VI. Докторлик, номзодлик ва магистрлик диссертациялари:

VI.1. Алексеев А. В. Пакистан в политике США в Юго-Западной Азии в 80-е годы: автореф. дис. . канд. ист. наук. — М, 1994. -22 с.

VI.2. Ганич Д. В. Проблема нераспространения ядерного оружия в Южной Азии и политика России. Автореф. дисс. .к.и.н. М., 2007. - 22 с.

VI.3. Кондрацкий И.В. Проблема нераспространения ядерного оружия в Южной Азии: Политологические аспекты: дис. . канд. полит, наук. -М., 2002.- 169 с.

VI.4. Парменова М.И. Индия и проблема региональной безопасности в Южной Азии в конце XX начале XXI века: дис. . канд. полит, наук. -М., 2004.-190 с.

VI.5. Русеева Н.Н. Исламский фактор в политике Пакистана во второй половине XX в.: автореф. дис. канд. ист. наук. М, 2009. - 22 с.

VI.6. Скоробогатов Р.Ю. Экономические связи США со странами Южной Азии в конце XX начале XXI вв.: дис. . канд. экон. наук. - СПб., 2003.- 182 с.

VI.7. Шилин А.А. Эскалация вооружений в Южной Азии: этапы и направления развития военно-промышленного потенциала Индии и Пакистана: дис. . канд. ист. наук. -М., 2002. 212 с.

VII. Газета ва журналлар:

VII.1. Буш Дж., Скоукрофт Б. Мир стал другим. М.: Международные отношения, 2004. - 504 с.

VII.2. Клинтон Б. Моя жизнь. М.: Альпина Бизнес Букс, 2005. - 1088 с.

VII.3. Воробьев А.В. Отношения США с Пакистаном становятся напряженными / А.В. Воробьев // Евразийские горизонты. – 2008. – № 9. – С. 9-15 (0.375 п.л.).

VII.4. Воробьев А.В. Пакистан – 2008 / А.В. Воробьев // Евразийский ежегодник – 2008 / отв. ред. Б.М. Ягудин. – Казань: Intelpress +, 2009. – С. 66-73 (0.44 п.л.).

- VII.5.** Воробьев А.В. Борьба с религиозным экстремизмом в Пакистане в период правления Первеза Мушаррафа / А.В. Воробьев // Исламоведческие исследования в современной России и СНГ: достижения, проблемы, перспективы. Материалы I международного научно-практического симпозиума (19-20 февраля 2009 г.) / отв. ред. Б.М. Ягудин. – Казань: Intelpress +, 2009. – С. 197-207 (0,6 п.л.).
- VII.6.** Воробьев А.В. Экономические отношения между США и Исламской Республикой Пакистан в конце XX – начале XXI вв. / А.В. Воробьев // Евразийские исследования. – 2009. – №1. – С. 69-87 (1,1 п.л.).
- VII.7.** Ибрагимов Н. Ўзбекистоннинг Покистон Ислом Республикаси билан сиёсий муносабатлари. // Шарқшунослик журнали. ТДШИ. 2003. 1-сон.
- VII.8.** Л.Р. Полонская. Ислам в исторических судьбах Пакистана. – Вопросы истории, №1, 1988, с. 95.
- VII.9.** Стратегия национальной безопасности // США: экономика, политика, идеология,- 1994. -№11.-С. 153-159.
- VII.10.** Богатуров А.Д. Центрально-Восточная Азия в современной международной политике // Восток. 2005. - № 1. - С. 97-111.
- VII.11.** Братерский М.В. Вашингтон и новые региональные державы в Азии // США; экономика, политика, культура. 2007. - № 3. - С. 35-39.
- VII.12.** Евстигнеев Е.К. Ядерная инфраструктура Пакистана // Зарубежное военное обозрение. 1999. - № 8. - С. 11.
- VII.13.** Жмуйда И.В. Промышленная политика в Пакистане в 90-е годы и период правления Первеза Мушаррафа// Афганистан, Иран, Пакистан: время выборов и перемен. Сб. статей. М.: ИБВ, 2006. - С. 170-180.
- VII.14.** Ключев Б, Шаумян Т. Ядерный джинн вырывается на волю //Азия и Африка сегодня. 1998. -№ 12. - С. 11-21.
- VII.15.** Кравченко В.В. Пакистан. Между двух огней // Азия и Африка сегодня. - 2003.-№6.-С. 28.
- VII.16.** Кременюк В.А. Внешняя политика США в год президентских выборов // Международная жизнь. 2004. - № 3 - С.21-35.
- VII.17.** Кузнецов С. Н. Геополитическое положение Пакистана и региональная среда // Ближний Восток и современность. Сб. статей. М.: ИИИиБВ, 2006.-Вып. 29.-С. 151.
- VII.18.** Кузнецов С.Н. "Пакистано-китайские отношения: "всепогодная дружба" // Востоковедный сборник. М.: ИБВ, 2006. - Вып. 7. - С. 47-54.
- VII.19.** Морозова М.Ю. Пакистан: вооруженные силы и военная политика // Азия и Африка сегодня. 1997. - № 8. - С. 16-21.
- VII.20.** Мукиджанова Р.М. Пакистан Китай: курс на добрососедство и сотрудничество // Пакистан в современном мире. Сб. статей. М.: Научная книга, 2005. - С. 180-195.
- VII.21.** Николаев В. Исламское неповиновение в Пакистане // Независимая газета. -2001. 14 ноября. - С. 6.
- VII.22.** Скосырев В.И. НАТО стреляет по Пакистану // Независимая газета. -2008,- 18 июля.-С. 14.
- VII.23.** Тамилп А. Срок жизни Пакистана. О нем задумались американцы // Независимая газета. 2000. - 30 апреля. - С. 5-6.

- VII.24.** Чичеров А.И. Глобальные противоречия и региональные конфликты в международных отношениях в 80-е гг. (на примере Южной Азии и зоны Индийского океана) // Индия 1984. Ежегодник. М.: Наука, 1986. - С. 118-132.
- VII.25.** Юрлов Ф.Н. США и Индия: нелегкий путь к партнерству // Азия и Африка сегодня. 2002. - № 2. - С. 16-23.
- VII.26.** Якунин Ю. Южная Азия: регионализм под политическим прессом // Азия и Африка сегодня. 2000. - № 1. - С. 22-24.
- VII.27.** Ahmad Sh. The Nuclear Subcontinent. Bringing Stability to South Asia // Foreign Affairs. 1999.-Vol. 78.-№3.-P. 16-31.
- VII.28.** Bajpai Sh. K. Untangling India and Pakistan // Foreign Affairs. 2003. - Vol. 82. -№ 3. - P. 112-128.
- VII.29.** Birsal R. Pakistan s Zardari urged to get new image and focus // The Washington Post. 2008. - Sept. 07. - P. 3.
- VII.30.** Blank J. Conflict in Kashmir // Foreign Affairs. 2003. - Vol. 81. - № 4. - P. 43-58.
- VII.31.** Burns R.N. America's Strategic Opportunity with India. The New U.S. India Partnership // Foreign Affairs. - 2007. - Vol. 86. - № 6. - P. 37-44.
- VII.32.** Barnett R. R, Rashid A. Ending Chaos in Afghanistan and Pakistan // Foreign Affairs. 2008. - Vol. 87. - № 6. - P. 41-56.
- VII.33** Ganguly S. Pakistan never ending story // Foreign Affairs. 2000. - Vol. 79. -№2.- P. 2-8.
- VII.34.** Huckabee M.D. America's Priorities in the War on Terror. Islamists, Iraq, Iran, and Pakistan // Foreign Affairs. 2008. - Vol. 87. - № 1. - P. 74-92.
- VII.35.** Perlez J. In Musharraf's Wake, U.S. Faces Political Disarray // The New York Times. 2008. - Aug. 19. - P. A3.
- VII.36.** Powel C. L. A Strategy of Partnerships // Foreign Affairs. 2004. - Vol. 83. -№ 1.-P. 18-32.
- VII.37.** Raza LS. Cold War among coalition parties worries US: Boucher concerned over Fata situation // The Dawn. 2008. - Jul. 01. - P. 2-4.
- VII.38.** Talbott S. Dealing with the Bomb in South Asia // Foreign Affairs. 1999. -Vol. 78,-№2.-P. 110-124.
- VII.39.** Thornton T.P. The New Phase in U.S. Pakistani relations // Foreign Affairs. - 1989. - Vol. 69. - № 5. - P. 142-160.

VIII. Виртуал кутубхона электрон дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

- VIII.1.** Гушев А. Военно-политические последствия войны в зоне Персидского залива // Зарубежное военное обозрение. 1991. - № 8. - С. 3-8. 166. Диксон Н. Пакистан: как Вашингтон помог создать государство «ядерного изгоя» // Электронная версия периодического издания «Левая Россия». 2004. URL: <http://www.left.ru/2004/4/dikson>
- VIII.2.** Замараева Н.А. Кризис региональной стратегии США на примере Пакистана // Сайт Института Ближнего Востока. 2008. URL: <http://www.iimes.ru/rus/stat/2008/23-01-08.htm> (дата обращения: 09.02.2010).
- VIII.3.** Москаленко В.Н. Пакистан и ШОС // Сайт Института Ближнего Востока. 2006. URL: <http://www.iimes.ru/rus/stat/2006/27-06-06.htm> (дата обращения: 09.02.2010).

- VIII.4.** Москаленко В.Н., Топычканов П.В. Смерть Б.Бхутто в контексте антитеррористической борьбы в Южном Вазиристане // Сайт Института Ближнего Востока. 2008. URL: http://www.iimes.ru/rus/stat/2008/1_1-02-08b.htm (дата обращения: 09.02.2010).
- VIII.5.** Сотников В.И. Безопасны ли ядерные активы Пакистана? // Сайт Института Ближнего Востока. 2009. URL: http://www.iimes.ru/rus/stat/2009/30-1_0-09b.htm (дата обращения: 09.02.2010).
- VIII.6.** Топычканов П.В. Взаимодействие Пакистана со странами Запада в антитеррористической борьбе: август 2006 года // Сайт Института Ближнего Востока. 2006. URL: <http://www.iimes.ru/rus/stat/2006/24-08-06.htm> (дата обращения: 09.02.2010).
- VIII.7.** Топычканов П.В. Пакистан выход ядерной программы на новый уровень? // Электронное информационно-аналитическое издание «ЦентрАзия». 2008. URL: http://www.centrasia.ru/newsA.php?st=1_154954880 (дата обращения: 09.02.2010).
- VIII.8.** Топычканов П.В. Ядерная сделка Индии и США: взгляд из Пакистана // Сайт Института Ближнего Востока. 2006. URL: www.iimes.ru/rus/stat/2006/28-12-06.htm (дата обращения: 09.02.2010).
- VIII.9.** Lieven A. Pakistan: Real and Imaginary Risks // The New America Foundation web site. 2008. URL: http://www.newamerica.net/publications/articles/2008/Pakistan_real_and_imaginary_risks6713 (дата обращения: 13.09.2009).
- VIII.10.** Background Note. Pakistan. Bureau of South and Central Asian Affairs // The U.S. Department of State web site. URL: <http://www.state.gov/r/pa/ei/bgn/3453.htm> (дата обращения: 15.09.2010).
- VIII.11.** Kashmir Dispute: Background // The Ministry of Foreign Affairs of Pakistan. URL: <http://www.mofa.gov.pk/Pages/Brief.htm> (дата обращения: 06.08.2010).
- VIII.12.** The CIA's World Factbook. Pakistan // The Central Intelligence Agency of the USA web site. URL: <http://www.cia.gov/library/publications/the-world-factbook/geos/plc.html> (дата обращения: 15.09.2010).